АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03.30.2019.Fil.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ ФАН ДОКТОРИ (DSc) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ БИР МАРТАЛИК КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РУСТАМОВ ДИЛШОДБЕК АБДУВАХИДОВИЧ

МУЛОҚОТНИНГ ИНТРАЛИНГВИСТИК ВА ЭКСТРАЛИНГВИСТИК ТАЛҚИНЛАРИ ҲАМДА ЗАМОНАВИЙ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ

10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Андижон – 2021

УЎК: 811.93

Филология фанлари доктори (DSc) диссертация автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора (DSc) по филологическим наукам

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor (DSc) in Philology

Рустамов Дилшодбек Абдувахидович
Мулоқотнинг интралингвистик ва экстралингвистик талқинлари ҳамда замонавий концепциялари 3

Rustamov Dilshodbek Abduvakhidovich
Intralinguistic and extralinguistic interpretations and modern concepts of communication 33

Рустамов Дилшодбек Абдувахидович
Интралингвистические и экстралингвистические интерпретации и современные концепции общения ……..….... 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works …….. 64

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03.30.2019.Fil.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ ФАН ДОКТОРИ (DSc) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ БИР МАРТАЛИК КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РУСТАМОВ ДИЛШОДБЕК АБДУВАХИДОВИЧ

МУЛОҚОТНИНГ ИНТРАЛИНГВИСТИК ВА ЭКСТРАЛИНГВИСТИК ТАЛҚИНЛАРИ ҲАМДА ЗАМОНАВИЙ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ

10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Андижон – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.DSc/Fil304 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Андижон давлат университети веб-сайти (www.adu.uz) ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган**.**

Илмий маслаҳатчи:	Умархўжаев Мухторхон Ишанходжаевич Филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Мирзоҳидова Мияссар Инамжановна Филология фанлари доктори, профессор
	Саъдуллаева Нилуфар Азимовна Филология фанлари доктори, доцент
	Хамроева Шахло Мирджановна Филология фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Андижон давлат университети ҳузуридаги филология фанлари бўйича илмий даража берувчи PhD03.30.2019.Fil.60.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги фан доктори (DSc) илмий даражасини берувчи бир марталик Илмий кенгашнинг «___»_____2021 йил соат____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Бобур шоҳ кўчаси, 5-уй. Тел.: (99874) 223-88-14; факс: (99874) 223-88-30; e-mail: agsu_info@edu.uz).

Диссертация билан Андижон давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Бобур шоҳ кўчаси, 5-уй. Тел.: (99874) 223-88-14.

Диссертация автореферати 2021 йил «____» _____куни тарқатилди.
(2021 йил «____» _____даги ____ рақамли реестр баённомаси)

Н.М.Улуқов
Илмий даража берувчи Илмий кенгаш
раиси, филол.ф.д., профессор

Ф.Усмонов
Илмий даража берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, ф.ф.ф.д. (PhD)

Д.Хошимова
Илмий даража берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
филол.ф.д., доцент

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида XX асрнинг 50-60-йилларида бошланган нутқий фаолият хусусиятларига қизиқиш ортиб, ҳозирда фалсафа, мантиқ, психология, социолингвистика, когнитивистика каби қатор соҳалар кесишмасида шаклланган йўналишларга амалий эҳтиёж ортмоқда. Замонавий мулоқотда лисоний ифоданинг мазмуни, коммуникант нияти ва тингловчининг идрок қилиши, ўзаро таъсир мақсадидаги мулоқотнинг психофизиологик механизмларининг мураккаблиги нутқий фаолият назариясида замонавий илмий методлар ҳамда ёндашувларга эҳтиёжни юзага келтирмоқда. Зеро, барча жамиятда маданий ва ижтимоий манзаранинг ўзгариб бориши таъсирида мулоқот назарияси ҳам янгиланиб, такомиллашиб боради.

Дунё тилшунослиги ривожининг замонавий босқичидаги изланишлар мулоқотнинг фақат онтологик хусусиятларини ўрганиш билан чегараланиб қолмай, унинг бевосита амал қилиш шароити – инсон ва жамият муаммоси лингвокультурологик, психолингвистик, прагмалингвистик, социолингвистик асосларга алоқадорлигини тадқиқ қилишни тақозо эта бошлади. Мулоқот жараёни яхлит мураккаб тизим сифатида жамият ривожи учун асос бўлиб хизмат қилишини замонавий илмий-назарий қарашлар ва методларга асосланган ҳолда тадқиқ этиш муҳимдир. Мулоқотни лисоний ва прагматик омиллар яхлитлигида замонавий методологик тамойилларга таянган ҳолда тавсифлаш ҳамда уларни ташкил этувчи бирликларининг лисоний табиатига хос аниқ назарий хулосалар чиқариш замонавий тилшуносликнинг амалий натижакорлиги учун зарур.

Мамлакатимизда ҳам сўнгги йилларда тилшунослик ўз ўрганиш объектининг кенгайиши ва мураккаблашуви билан янги босқичга кўтарилмоқда. Рақамли технологик воситалар, хусусан, интернет тизимининг шиддатли ривожланиши жараёнида “...давлат тилининг софлигини сақлаш, уни бойитиб бориш ва аҳолининг нутқ маданиятини ошириш, давлат тилининг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларига фаол интеграциялашувини таъминлаш, давлат тилининг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузини ошириш, бу борада хорижий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш”[1] каби қатор вазифалар мулоқот тизими ва унда тил муаммоси билан жиддий шуғулланиш, тил имкониятларининг воқеланишини илмий тадқиқ этишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4997-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 20 октябрдаги «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6084-сон фармони // https://lex.uz/docs/5058351

тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорлари, 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи[2]**.** Мулоқот феноменининг интралингвистик ва экстралингвистик омилларини ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг қатор етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Universite de Geneve (Швейцария), Буюк Британиянинг Оксфорд университети, Калифорния университети (The University of California, Berkeley), А.С.Пушкин номидаги Рус тили институти, Киев Халқаро алоқалар миллий университети, Янги Мехико университети, Мюнхен университети, Россия Фанлар академияси Фалсафа институти (Россия), Уилфрида Лорье университети (Канада), Гуманитар фанлар давлат университети (Россия), Тула давлат педагогика университети, Америка лингвистик жамияти, М.В.Ломоносов номли Москва давлат университети, Россия Таълим академияси, Ленинград давлат университети, Колумбия (Нью Йорк) университети, Сургут давлат университети (Россия), Россия Фанлар академияси Психология институти, Санкт-Петербург давлат университети, Москва Политехника университети Гуманитар фанлар кафедраси, Саратов давлат университетида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Дунё тилшунослигида антропоцентрик тамойилларга асосланган янгича қарашлар асосидаги тадқиқотлар талай илмий натижаларнинг юзага келиши учун замин бўлган: мулоқотнинг ижтимоий ва психологик жиҳатлари назарий асосланган (Universite de Geneve (Швейцария), Россия Фанлар академияси Фалсафа институти (Россия), Уилфрида Лорье университети (Канада), Гуманитар фанлар давлат университети (Россия), Тула давлат педагогика университети, Америка лингвистик жамияти,

[2] Шарҳда илмий манбалардан ва https:avalon-linguistic.com, https://medialing.ru, https:wikipedia.org/wiki, https:studfile.net/preview, https://studyport.ru, https://tjournal.ru, https://uz.blogpascher.com каби сайтлардан фойдаланилди.

машҳур психолог А.Н.Леонтъев раҳбарлигида мулоқот психологиясининг психолингвистик назариялари яратилган (М.В.Ломоносов номли Москва давлат университети Психология кафедраси); мулоқотнинг фалсафий ва назарий асослари тадқиқ қилинган (Россия Таълим академияси, Ленинград давлат университети, Нью Йорк Колумбия университети, Сургут давлат университети (Россия), Россия Фанлар академияси Психология институти); маданият ва фалсафа тарихида мулоқот муаммоси қандай пайдо бўлганлиги, унинг структураси ва функциялари таҳлил қилинган (Ленинград давлат университети); мулоқот концептининг тадрижий тараққиётида рўй берган инқилобий босқичлари белгилаб берилган (Москва давлат университети); мулоқот субъект фаолиятининг алоҳида мустақил шакли сифатида кўриб чиқилган (Санкт-Петербург давлат университети); мулоқот таснифи шакллантирилган (Москва Политехника университети Гуманитар фанлар кафедраси); мулоқотнинг дискурсив характери тавсифланган (Саратов давлат университети); нутқий акт назарияси асослари ишлаб чиқилган (Буюк Британия Оксфорд университети, Берклидаги Калифорния университети (The University of California, Berkeley), А.С.Пушкин номидаги Рус тили институти, Киев Халқаро алоқалар миллий университети).

Дунё тилшунослигида мулоқот феномени тараққиётининг замонавий омиллари ва ривожланиш тамойилларини тадқиқ қилишнинг янги-янги йўналишлари шаклланмоқда. 1989 йили Америкада Янги Мехико, Германияда Мюнхен университетларида фольклор, этнология ва тилшунослик материалларига асосланган ўқув дастури доирасида «Маданиятлараро мулоқот» йўналиши очилди. Россиядаги «Медиалингвистика» Халқаро илмий журнали нафақат Россия, балки Белоруссия, Болгария, Хитой, Польша, Туркия, Украина илмий жамоаларининг нуфузли вакиллари билан ҳам ҳамкорлик қилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мулоқот шахслараро ҳамда одамлар ва гуруҳлар ўртасида ўзаро муносабат ўрнатиш ва ривожлантиришнинг мураккаб кўп ўлчовли жараёнидир. Инсон ижтимоий мавжудот сифатида жамиятда яшайди ва шунинг учун ушбу жамият аъзолари билан алоқа ўрнатиши керак. Мулоқот – бу кенг тушунча бўлиб, унинг структураси ва функциялари, шахслараро англаш муаммолари, мулоқот жараёни, нутқий-психологик таъсир, муносабатларнинг ривожланиш динамикаси каби муаммоларни қамраб олади.

Инсон ижтимоий фаолиятининг асоси бўлган мулоқот феноменида лисоний ҳамда прагматик омиллар ҳамкорлиги ва мувофиқлиги масаласини илмий асослаш ўзбек тилшунослигида ўз ечимини кутаётган долзарб масалаларидан биридир. Бу эса мулоқотнинг системавий табиатини тадқиқ қилиш, фалсафий-мантиқий асосларини белгилаш, синергетика мулоқотнинг антропоцентрик ижтимоий воқелик сифатида доимий ўзгариш ва тараққиётда эканлигини асословчи методология эканлигини ёритиб бериш, интралингвистик ва экстралингвистик омилларнинг вазифаларини аниқлаш, прагматик омилларнинг ўрни ва ролини очиш, медилалингвистика тамойилларини очиқлаш, луғавий ва синтактик шакл ҳосил қилувчи

грамматик воситалар маъноларининг нутқий қўлланишида лисоний ва прагматик омилларнинг ҳамкорлигини муайянлаштириш, уларнинг мувофиқлигини асослаш каби вазифаларни бажариш билан амалга оширилади. Бунда фалсафанинг билиш назарияси, диалектик мантиқ, синергетик методология, шунингдек, умумий система назарияси, лисон ва нутқ дихотомияси, мулоқот назарияси тамойилларга асосланилади.

Мулоқот феномени Ш.Балли, Э.Сепир, Г.Апресян, А.Леонтьев, Д.Ширрин, Ф.Шуман, М.Каган, Р.Краусс, Т.Родермель, Л.Буева, В.Фефелова, Б.Ломов, А.Петровский, И.Кон, Л.Шнейдер, Ж.Локк, Г.М.Андреева [3] каби олимлар томонидан турли ракурсда ўрганилган. Шунингдек, *ўзбек тилшунослари* Ш.Сафаров, Ш.Искандарова, С.Мўминов, Г.И.Тоирова, М.А.Қурбонова, Қ.Расуловларнинг тадқиқотларида мулоқотнинг хусусий жиҳатлари турли аспектларда ўрганилган[4]. Шу билан бирга, диссертацияда мулоқот структураси доирасида социолингвистика, психолингвистика, прагмалингвистика, медиалингвистика, креолизация, этнопсихология, маданиятлараро мулоқот, Интернет мулоқоти каби йўналишларда олиб борилаётган тадқиқотларга муносабат билдирилди.

Мулоқотнинг замонавий концепциялар талқинидаги хусусиятлари ҳамда ундаги интралингвистик ва экстралингвистик омиллар ўзбек олимлари томонидан монографик тарзда ўрганилмаганлиги ушбу мавзу бўйича махсус тадқиқотни амалга оширишни тақозо қилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Андижон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ОТ-Ф1-18 «Оммавий лисоний маданиятни шакллантириш методлари ва методологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги (2017-2020 йй.) илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

---

[3] Балли Ш. Язык и жизнь. – М.: Стереотип, 2018. – 230 с; Апресян Р. Г. Понятие общественной морали (опыт концептуализации) // Вопросы философии. – 2006. – №.5. – С.3-17; Сепир Э. Коммуникация // Избранные труды по языкознанию и культурологии. – М.: Прогресс, 1993. – 656 с.; Каган М.С. Мир обшения: Проблема межсубъектных отношений. – М.: Политиздат, 1988. – 319 с. – (Над чем работают, о чем спорят философы); Краусс Р.Н. Познание и общение. / В кн. «Познание и общение». – Москва: Наука, 1988. – С.81-94; Родермель Т.А. Феномен компетентности в современном образовании: социокультурный аспект. Дисс. канд. философ.наук. – Томск, 2011. – 168 с; Буева Л.П. Человек: деятельность и общение. – М.: Мысль, 1978. – 216 с.; Фефелова В.И. Понятия «общение», «коммуникация», «коммуникативная культура» в философском аспекте // Прикладная психология и психоанализ. – 2007. №1. – С.27-31; Леонтьев А.А. Психология общения. – 3-е изд. – М.: Смысл, 1999. – 365 с.; Ломов Б.Ф. Проблема общения в психологии / Хрестоматия по психологии. – М.: 1987. – С.108-117 // https://studfile.net/preview/1725429; Петровский А.В. Психология: учебник для вузов. Учебник для студентов высших педагогических учебных заведений. – М.: Академия, 1998. – 512 с; Локк Дж. Сочинения: В 3 т. – М.: Мысль, 1988. – 668 с; Андреева Г. М. Социальная психология и социальные изменения // Психологический журнал. – 2005. – Т.26. – №.5. – С.5-15.

[4] Сафаров Ш. Система речевого общения. Универсальное и этноспецифическое. – Самарканд: 1991. – 170 с.; Сафаров Ш., Тоирова Г., Нутқнинг этносоциопрагматик таҳлили асослари. Ўқув қўлланма. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2007. – 40 б; Искандарова Ш. Ўзбек нутқи одатининг мулоқот шакллари. Филол.фан.номз...дис. – Самарқанд, 1993. – 141 б.; Мўминов С. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол.фан. д-ри. ...дисс.автореф. –Тошкент: ЎзРФА ТАИ, 2000. – 47 б; Тоирова Г. Нутқий мулоқот ситуатив прагматик система сифатида. Монография. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2013. – 112 б; Қурбонова М. А. Ўзбек болалар нутқи лексикасининг социопсихолингвистик тадқиқи. Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Т., 2009. – 20 б; Расулов Қ. Ўзбек мулоқот хулқининг функционал хосланиши. Филол. фан. номз... дисс. – Т., 2008.

Тадқиқотнинг мақсади мулоқот тизимининг тадрижий тараққиёти ва замонавий тенденцияларининг шаклланиши, мулоқот жараёнида интралингвистик, экстралингвистик, медиалингвистик омиллар хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мулоқотни система сифатида тадқиқ қилишнинг фалсафий асосларини очиб бериш;

синергетик ва систем ёндашув назариялари мулоқотни яхлит ўрганиш методологияси эканлигини асослаш;

мулоқотнинг интралингвистик ва экстралингвистик омилларини аниқлаш;

дискурсив нутқий фаолиятнинг воқеланишида социолингвистик, этнопсихологик, прагматик омилларнинг ўрни ва ролини очиб бериш;

мулоқотнинг лингвокультурологик хусусиятларини ифодаловчи тил бирликларининг ўзига хос жиҳатларини далиллаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тилшуносликда мулоқот бўйича яратилган назариялар ҳамда мулоқотнинг турли шаклларига оид дискурсив вазиятлар танланган.

Тадқиқотнинг предметини мулоқот моҳияти ва культурологик мавқеини белгиловчи хусусиятлар, мулоқотнинг замонавий тенденциялари, маданиятлараро мулоқот, интернет мулоқоти, медиамулоқотнинг ўзига хос жиҳатлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда синергетик, индуктив, номиналистик, диалектик, таснифлаш, тавсифлаш, қиёслаш, компонент ва контекстуал таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

коммуникация ва мулоқотнинг айнан бир нарса эмас, балки бири иккинчисини тақозо қилувчи концептосфера узвлари эканлиги, бунда мулоқот атамаси жараённинг умумий тизимини, коммуникация эса шу тизимни шакллантириш воситаларини англатиши далилланган;

замонавий дунёда мулоқот таркибининг интеграция, маданий алмашинувлар туфайли юзага келган чексизлигини маълум бир тизимда кўришда синергетика қонуниятларининг ташкиллаштирувчи ўрни очиб берилган;

интернет мулоқот аттрактор ҳодисот эканлиги, унинг таъсиридаги флуктуациялар натижасида сўзлашув нутқи бифуркация нуқтасини босиб ўтгани ва пировардида фонетик, морфологик ва синтактик бирликларда адабий тил меъёрларидан чекиниш, қисқартмалар, ноадабий қатламга хос сўз бойлиги, тармоқнинг махсус график дизайни кабиларни акс эттириш орқали шаклланган асосланган;

овозли хабар, расм, аудиоёзув, визуал тасвир каби медиаматн элементлари информатив-эмоционал восита сифатида узатилаётган ахборот мазмунини тўлдиришга, мулоқотнинг таъсир кучини максимал даражада оширишга хизмат қилиши, ахборотнинг прагматик тусини, семантикасини ўзгартириб юбора олиши далилланган;

олам лисоний тасвирининг инсон томонидан англаниш жараёни турмуш тарзи, ҳудудий, касбий мансублиги каби қатор қирраларни ўзида жамлайдиган муайян маданият доирасида ўзбек маиший дискурсига хос эркакларга оид етакчилик ва аёлларга оид эмоционаллик – гендер, табақаловчи ва баҳоловчи – ижтимоий стреотиплар аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

мулоқот турлари, шакллари, мулоқот маданияти, ситуатив вазият, сўзловчи ёки тингловчи дунёқараши, билим даражаси, қизиқишлари каби қатор лисоний ва нолисоний омиллар билан муштарак ҳолда юзага чиқиши аниқланган;

мулоқот тизими интралингвистик ва экстралингвистик омиллар уйғунлигида амал қилиши очиб берилган;

интернет мулоқоти таъсирида шаклланаётган *ёшлар сленги*, ижтимоий муҳит ва ОАВ таъсирида шаклланган *зиёлилар нутқи*, киноя ва қочиримларга бой *шахслараро сўзлашув нутқи,* ўзига хос кичик ижтимоий муҳит ҳисобланадиган *оилавий мулоқот* каби фарқланишларнинг лингвистик жиҳатлари далилланган;

маданиятлараро мулоқот доирасида миллий ўзлигимизни сақлаб қолиш, ўзбекона қадриятлар, она тили ва миллий руҳиятни ёт ғоялар, ўзга менталитет устунлиги таъсиридан ҳимоя қилиш масаласи бўйича амалий таклиф берилган;

дискурсив фаолиятнинг нутқий воқеланишида лисоний ва прагматик омиллар мувофиқлигининг ўзига хос антропопрагматик жиҳатлари очиб берилган;

интернет мулоқотида янги пайдо бўлган **сўзлашув услубининг ёзма шакли** оғзаки нутққа хос фонетик, морфологик ва синтактик бирликларда адабий тил меъёрларидан чекиниш, ноадабий қатламга хос сўз бойлигидан фойдаланиши далилланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқ қилинган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг илмий ҳамда услубий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар анализ, синтез, индукция, номиналистик, диалектик, синергетик, қиёсий-типологик, тарихий-қиёсий усуллар воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга кенг жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, мулоқот тизимининг мураккаб структураси замонавий концепциялар асосида муносабатларнинг кўп ўлчовли ва динамик тизими сифатида тадқиқ қилинган бўлиб, назарий хулосаларидан тил тарихи, лингвосинергетика, ўзбек тили стилистикаси, матн тилшунослиги, медиалингвистика, интернет лингвистикаси, маданиятлараро мулоқот йўналишларида илмий адабиётлар яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, тўпланган материаллар нутқий мулоқот динамикасини ўрганиш билан бирга

оғзаки ва ёзма матн ярата олиш, ўзгалар нутқини тинглаш, ўйлаш ва таҳлил қилиш, қўйилган саволларга тўғри жавобларни танлаш, хулосалар чиқариш компетенцияларини шакллантириш тизимини такомиллаштиришга, академик грамматикалар тузиш, “Ўзбек тили стилистикаси”, “Лингвокультурология”, “Психолингвистика”, “Когнитив лингвистика”, “Медиалингвистика”, “Прагмалингвистика” фанларидан маъруза матнлари, мулоқот маданияти ва самадорлигини таъминлаш механизмларини ишлаб чиқишга доир ўқув ва услубий қўлланмалар яратишда, мулоқот маданиятига оид монографиялар, ўқув қўлланмаларининг мукаммаллашишига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мулоқотнинг интралингвистик ва экстралингвистик омиллари ҳамда замонавий концепциялари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

глобаллашув шароитида маданиятлараро мулоқот концепцияси фаоллашишининг аниқланган интралингвистик (ички) ва экстралингвистик (ташқи) механизмлари натижаларидан “Инглиз тили лексикологияси (English Lexicology)” номли дарсликнинг “Methods and procedures of lexicological analysis”, “Various other elements in the English vocabulary” номли учинчи ҳамда ўн иккинчи бўлимларини яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 4 майдаги 285-сон буйруғи, рўйхатга олиш рақами 285-108). Натижада дарсликда маданий ва ижтимоий манзара сезиларли даражада ўзгариб туриши жараёни таъсирида мулоқот назарияси ҳам янгиланиб, такомиллашиб бориши илмий асосланган;

интернет мулоқотининг аниқланган анонимлик, меъёрдан чекиниш, масофавийлик каби когнитив ва прагмасемантик хусусиятлари хусусидаги илмий хулосалардан “Стилистика (Stylistics)” номли дарсликнинг “Phonetic expressive means and stylistic devices”, “Syntactical expressive means and stylistic devices” номли учинчи ҳамда олтинчи бобларни яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 4 майдаги 285-сон буйруғи, рўйхатга олиш рақами 285-109). Натижада дарсликда оммавий мулоқот тушунчасининг алоҳида феномен сифатида юзага чиқиши фактик материаллар асосида далилланган;

мулоқотнинг интралингвистик ва экстралингвистик талқинларида учрайдиган интертекстуал бирликларни тасниф қилишда нақл-мақолларнинг манба сифатидаги ўрнини аниқлаш борасидаги назарий қарашлари, амалий тавсиялар ва илмий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақолпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти томонидан олиб борилган ФА-А1-Г007 “Қорақалпоқ нақл-мақоллари лингвистик тадқиқот объекти сифатида” мавзусидаги амалий-илмий лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 16 августдаги 17.01/179-сон маълумотномаси). Натижада, лойиҳа доирасида лингвистик тадқиқот объекти сифатида туркий, хусусан, ўзбек тилшунослиги доирасида интертекст сифатида учровчи мақол ва нақлларни махсус луғатларда қай

даражада ўз ифодасини топгпнлиги ва уни тилшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этиш каби илмий-назарий ёндашувлар далилланган.

интернет мулоқоти таъсирида шаклланаётган ёшлар сленги, ижтимоий муҳит ва ОАВ таъсирида шаклланган зиёлилар нутқи, киноя ва қочиримларга бой шахслараро сўзлашув нутқи, ўзига хос кичик ижтимоий муҳит ҳисобланадиган оилавий мулоқот кабилар ҳақидаги амалий тавсиялар ва илмий хулосалардан Андижон давлат университети талабаларига ўзбек тилини она тили сифатида ўқитишда ҳамда “Она тили” дарсликларини ишлаб чиқишда нутқ маданияти, мулоқот муҳити, турли нутқ вазиятларига ўқувчини тайёрлаш бўйича ўқув материаллари тузишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги Республика таълим марказининг 2021 йил 17 июндаги 01/11-03/03-839-сон маълумотномаси). Натижада умумий ўрта таълим тизимида давлат тили, она тили ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш, ўқувчиларда мулоқот кўникмаларини ривожлантиришга эришилган ҳамда олинган илмий натижалар таълим сифатини янада оширишга хизмат қилган;

тилнинг маданий табиати, семантик ўзига хосликлари ва маданиятлараро мулоқотда лексемаларнинг миллий-маданий хосланганлигига оид назарий қарашлари, амалий тавсиялар ва илмий хулосалардан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг ўқув жараёнида, ҳусусан 5221000 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) бакалавриат таълим йўналиши талабалари учун “Ҳозирги ўзбек тили” дарслигини тайёрлашда фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2021 йил 28 январдаги 02/1-135-сон маълумотномаси). Натижада мазкур дарсликнинг “Лексеманинг семантик кўлами” (16-§), “Лексик-семантик муносабатлар” (17-§) номли бўлимларининг такомиллаштирилишига эришилган ҳамда олинган илмий натижалар таълим сифатини янада оширишга хизмат қилган;

мулоқотнинг интралингвистик ва экстралингвистик омиллари ҳамда замонавий концепциялари бўйича олиб борилган тадқиқотнинг асосий хулосаларидан АҚШнинг Огайо университети профессори Жерард Крзис томонидан ўзининг маърузаларида фойдаланилган (АҚШнинг Огайо университетининг 2021 йил 15 январдаги маълумотномаси). Натижада маърузаларда халқаро глобаллашув шароитида маданиятлараро мулоқот тушунчаси фаоллашишининг социопсихолингвистик тамойиллари очиб беришга эришилган;

Ломоносов номидаги Москва давлат университети профессори В.Герасименконинг университетнинг экономика факультети талабалари учун маърузаларида диссертациядаги интернет мулоқоти жанрлари ҳақидаги материаллардан фойдаланилган (Москва давлат университетининг 2021 йил 15 январдаги маълумотномаси). Натижада маърузаларнинг илмий асосланганлиги ва амалий унумдорлиги ортган;

мулоқот маданияти, оммавий мулоқот саводҳонлигига оид илмий натижалардан 2019-2020 йилларда Ўзбекистон Миллий

телерадиокомпанияси “O‘zbekiston” телерадиоканалининг “Бедорлик”, “Ижод завқи”, “Таълим ва тараққиёт”, “Миллат ва маънавият” эшиттиришларининг сценарийсини ёзишда фойдаланилди ва муаллиф билан суҳбатлар уюштирилди (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 22 апрелдаги O’z/0-1-113-21 сон маълумотномаси). Натижада дискурсив фаолиятнинг нутқий воқеланишида лисоний ва прагматик омиллар ҳамкорлиги, маданиятлараро мулоқот, интернет мулоқоти, медиамулоқот борасидаги илмий хулосаларидан фойдаланиш туфайли ушбу эшиттиришларнинг мазмуни бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро, 2 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 19 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та илмий мақола, улардан 3 таси хорижий журналларда чоп этилган. Шунингдек, диссертациядаги илмий хулосалардан “Инглиз тили лексикологияси (English Lexicology)”, “Стилистика (Stylistics)” дарсликларини яратишда фойдаланилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, беш боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Тадқиқотнинг ҳажми (фойдаланилган адабиётлар ва иловалардан ташқари) 245 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотнинг **“Мулоқотни ўрганишнинг методологик асослари”** деб номланган биринчи боби икки бўлимдан иборат. **“Синергетика – дунёни англашнинг истиқболли методологияси”** бўлимида синергетика илм-фан тараққиётининг бугунги босқичида барча соҳаларда тан олинаётган самарали йўналишлардан бири сифатида талқин қилинган ҳамда методологик вазифасига кўра тадқиқ қилинаётган предмет ва объектларга ягона фанлараро ёндашувни шакллантиришга ёрдам бериши изоҳланган. Дунёни англаш, билиш жараёнидаги янгича ёндашув сифатида фанга кириб келган синергетик методология фалсафий тамойилларнинг муҳим

жиҳатларини ўзида мужассам этганлиги ва бу борада амалга оширилган тадқиқотлардаги фикр-мулоҳазалар шарҳланган ва илмий баҳоланган.

Синергетика дунёнинг тизимли табиатига оид кўплаб назарияларнинг синтези сифатида фаолият юритиши хусусияти орқали илмий доиралар эътиборини тортди. Синергетика тилининг асосини аниқ ва гуманитар фанлардан олинган *бифуркация* (икки қисмга ажралиш, қўшимча хусусиятларга эга бўлиб бориш), *аттрактор* (жалб қилувчи), *иерархия, флуктуация* (қонуниятдан четлашиш ҳолатлари), *ночизиқлилик, диссипатив* (тарқоқ) *тузилма, кооперация* (ҳамкорлик), *конкуренция, траектория* каби кўплаб терминлар тўплами ташкил этади.

Ушбу методологик йўналиш ўзбек олимларида ҳам катта қизиқиш уйғотди, тез орада кўплаб илмий изланишлар олиб борилди. Республика миқёсида илмий тўпламларнинг чоп этилиши ҳамда илмий-назарий анжуман материаллари бунинг исботидидир[5]. О.Файзуллаев, Н.Шермуҳаммедова, М.Абдуллаева, И.Раҳимов, А.Ўтамуродов, Д.Бозаров, З.Мўминова, М.Қ.Ниязимбетов, Г.Ғ.Ғаффарова каби олимлар умумфанлар фалсафий методологик йўналиши сифатида талқин қилган бўлсалар[6], А.Нурмонов, А.Раҳимов, Н.Турниёзов, М.Эрназарова[7]лар лингвистика муаммоларига синергетик ёндашув масаласини тадқиқ қилганлар.

Синергетика объектнинг субстанциал моҳиятини чуқур таҳлил қилиш имкониятини бера оладиган методология сифатида тилшунослик муаммоларини тақиқ қилишга ҳам асос бўла олади.

Биринчи бобнинг иккинчи бўлимида “**Мулоқот мураккаб ситуатив прагматик система сифатида”** мулоқот маданияти, мулоқот жараёнини тўғри ташкил этиш учун коммуникатив компетенцияларни шакллантириш, турли-туман социопрагматик вазиятларда мулоқот амалиётини ўзлаштириш каби масалаларни қамраб олиши тадқиқ қилинган.

---

[5] Синергетиканинг фалсафий масалалари. –Т.: Университет, 2005; Синергетиканинг табиий-илмий ва фалсафий муаммолари: илмий-назарий семинар (илмий мақолалар тўплами). – Наманган: 2009; Синергетика: ривожланиши ва истиқболлари: илмий анжуман (илмий мақолалар тўплами). – Наманган: 2010; Синергетик парадигма: муаммо ва имкониятлар (илмий-назарий семинар материаллари). –Т.: 2013.

[6] Файзуллаев О. Фалсафа ва фанлар методологияси / Ўз ФА Фалсафа ва хукук институти. –Т.: Фалсафа ва хукук, 2006; Шермуҳаммедова Н.А. Фалсафа ва фан методологияси. –Т.: 2005; Раҳимов И., Ўтамуродов А. Синергетика – ўз-ўзини ташкил қилиш тўғрисидаги назария. // Синергетиканинг фалсафий масалалари. –Т.: Университет, 2005; Абдуллаева М.Н. Синергетика – новые воэможности познания и действия // Синергетиканинг табиий-илмий ва фалсафий муаммолари: илмий-назарий семинар (илмий мақолалар тўплами). Наманган: 2009; Абдуллаева М.Н. Философия случайности // Синергетика: ривожланиши ва истиқболлари: илмий анжуман (илмий мақолалар тўплами). – Наманган: 2010; Бозаров Д. Синергетика парадигмасининг фалсафий-методологик таҳлили. Фалсафа фанлари номз. дисс. – Т., 2010.; Синергетик парадигма: муаммо ва имкониятлар (илмий-назарий семинар материаллари). – Тошкент, 2013; Мўминова З.О. Инсон маънавий борлиғига синергетик ёндашув. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2019.; Ниязимбетов М.Қ. Мураккаб тизимларни моделлаштиришнинг замонавий парадигмалари. Фалсафа фанл. докт (DSc). ... дисс. автореф. – Тошкент, 2019; Ғаффарова Г. Мураккаб тизимларда ахборот генерациясининг фалсафий-методологик асослари. Фалсафа фанл. докт (DSc). ... дисс. автореф. – Тошкент, 2019.

[7] Нурмонов А., Раҳимов А. Лингвосинетгетикага кириш. – Т.: Академнашр, 2013. – 112 б.; Раҳимов А. Фузия лисоний типини квантитатив ва синергетик ёндашув асосида тадқиқ этиш (ўзбек тили мисолида). Филол. фанл. номз. дисс. автореф. – Т., 2009; Турниёзов Н. Нутқ деривацияси ва синергетик омил хусусида // http://library.ziyonet.uz/ru/book/76875.

Ш.Балли, Э.Сепир, Г.Апресян, Д.Ширрин, Ф.Шуман каби олимлар томонидан унинг ижтимоий ва психологик жиҳатлари ўрганилган бўлса[8], Л.Буева, М.Каган, Р.Краусс, Т.Родермель, В.Фефелова, А.Леонтьев, Б.Ломов, А.Петровский, И.Кон, Л.Шнейдер ва бошқаларнинг тадқиқотларида мулоқотнинг фалсафий ва назарий асослари таҳлил этилган.[9] XX асрнинг 80-йилларига келиб эса мулоқот ва шахслараро муносабатлар соҳасида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилди[10].

Ўзбек тилшунослигида ҳам мулоқот тушунчасининг функционал, субстанционал, коммуникатив, когнитив, социолингвистик, психолингвистик, лингвопрагматик ва лингвомаданий жиҳатларини замонавий концепциялар асосида тадқиқ этишга киришилди[11].

Мулоқот ва коммуникация сўзларининг қатъий терминологик маъносини аниқлашда хилма-хил таърифлар мавжуд бўлиб, фикрлар тафовути кузатилади.

Мулоқот – одамлар (шахслараро) ва гуруҳлар (гуруҳлараро) ўртасидаги алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришнинг мураккаб кўп қиррали жараёни, биргаликдаги фаолият эҳтиёжлари натижасида вужудга келади.[12]

Шу ўринда мулоқот жараёнидаги коммуникация каналларига ойдинлик киритиш масаланинг моҳиятини чуқурроқ англашга ёрдам беради. Лисоний мулоқот, асосан, тил орқали амалга оширилиб, қўшимча белги тизимлари (масалан, мактуб, смс, телеграмма, телефон, видеотелефон, сурдомулоқот кабилар) ҳам мазкур мулоқотни амалга оширишга хизмат қилиши назарда тутилади. Коммуникация эса маълумот етказишда қатнашувчи каналларни ифода этади: телекоммуникация, радиокоммуникация, почта, телеграф, интернет тизими ва ҳоказо.

Г.Тоирова номзодлик диссертациясида нутқий бирликлар – лисоний бирликларнинг ёзма ёки оғзаки кўринишларда бўлиши, мулоқот бирлиги эса

---

[8]Балли Ш. Французская стилистика. – М.: Эдиториал УРСС, 2001. – 392 с; Балли Ш. Язык и жизнь. – М.: Стереотип, 2018. – 230 с.; Сепир Э. Коммуникация // Избранные труды по языкознанию и культурологии. – М.: Прогресс, 1993. – 656 с.

[9] Буева Л.П. Человек: деятельность и общение. – М.: Мысль, 1978. – 216 с.; Каган М.С. Мир обшения: Проблема межсубъектных отношений. – М.: Политиздат, 1988. – 319 с.; Краусс Р.Н. Познание и общение. /В кн. «Познание и общение». – Москва: Наука, 1988. – С. 81-94; Родермель Т.А. Феномен компетентности в современном образовании: социокультурный аспект. … дисс.канд. философ.наук. –Томск, 2011. – 168 с.; Фефелова В.И. Понятия «общение», «коммуникация», «коммуникативная культура» в философском аспекте // Прикладная психология и психоанализ. – 2007. №1. – С. 27-31.

[10] Бодалев А.А. Личность и общение. – М.: 1983. – 272 с.; Гозман Л.Я. Психология эмоциональных отношений. – М.: 1987. – 174 с.; Емельянов Ю.Н. Обучение паритетному диалогу. – Л.: 1991. – 106 с.; Жуков Ю.М. Мы, Он, Ты, Я: Психология значимых отношений. – М.: 1989. – 204 с.; Леонтьев А.А. Психология общения. – М.: 1997. – 368 с.

[11]Искандарова Ш. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари: Филол. фан номз... дисс. автореф. – Самарқанд, 1993. – 27 б.; Мўминов С. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол.фан. д-ри. ...дисс.автореф. –Тошкент: ЎзРФА ТАИ, 2000. – 47 б.; Тоирова Г.И. Ўзбек нутқий мулоқотида системавийлик ва информативлик. Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) дисс. автореф. – Т., 2017. – 50 б.; Қурбонова М. А. Ўзбек болалар нутқи лексикасининг социопсихолингвистик тадқиқи. Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Т., 2009. – 20 б.; Сафаров Ш., Тоирова Г., Нутқнинг этносоциопрагматик таҳлили асослари. Ўқув қўлланма. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2007. – 40 б.; Расулов Қ. Ўзбек мулоқот хулқининг функционал хосланиши. Филол. фан. номз... дисс. – Т., 2008.

[12] Психологический лексикон // https://psihologicheskijleksikon.slovar online.com

лисоний ва нолисоний омилларнинг мулоқот жараёнида биргаликда воқеланиши билан фарқланиши, нутқий мулоқот ситуатив-прагматик система сифатида ички ва ташқи омиллардан, уларнинг ҳар бири эса, ўз навбатида, бир неча ички ассоциатив парадигмадан иборатлиги каби масалаларини тадқиқ қилган[13]. Г.Тоирова қўллаган СПС (ситуатив прагматик система) тушунчасини нафақат, нутқий мулоқотга нисбатан, балки кенг маънода умуман мулоқот тизимига нисбатан ҳам қўллашни маъқул деб ҳисобладик.

“Мулоқот моҳияти ва тарихий жараёнлар” деб номланган иккинчи бобда ўзбек тилшунослигида мулоқот тушунчасининг ўрганилиши масаласи, унинг структураси ва функциялари, шахслараро англаш муаммолари, мулоқот жараёни, нутқий-психологик таъсир, муносабатларнинг ривожланиш динамикаси каби муаммоларни қамраб олиши хусусида сўз юритилган, характерли жиҳатлари таснифланган. Мулоқот тизими узоқ давом этган эволюцион ва **беш инқилобий босқич** давомида мураккаб ситуатив прагматик система сифатида тадрижий тарзда ривожланиб, тараққий этиб борганлиги ва синхрон-асинхрон феноменга айланганлиги ҳақидаги кузатишлар баён этилган.

Бобнинг **“Мулоқот тарихига оид Шарқ ва Ғарб назариялари”** бўлимида мулоқот тушунчаси назарий асосларининг дастлабки илдизлари диний-маънавий негизда шаклланган ва кейинчалик фалсафий йўналишда ўрганила бошлагани изоҳланган.

Антик давр фалсафасида мулоқот масаласи умумфалсафий қарашлар тизими таркибида кўрилган. Демокрит фалсафани яхши фикрлаш, мулоқот қилиш, фаолият юритиш борасидаги яшаш санъати, мулоқот санъати деб тушунган. Рағбатлантирувчи ва ишонарли нутққа асосланган ишонтириш усулини маънавий камолот воситаси деб ҳисоблаган. Суқрот эса мулоқотни тенг ҳуқуқли диалог, суҳбат, ўзаро сўзлашув орқали бир-бирини англаш жараёни деб талқин қилади. Платон мулоқотни биринчи навбатда давлат талаби ва манфаатлари амалга ошириладиган ритуаллашган жараён деб қарайди, инсоннинг ўзини ва бошқаларни англашига, ҳақиқатни тушунишига ёрдам беради, шахснинг ўз-ўзини такомиллаштиришига ва мукаммал жамият яратишга қаратилганлигини эътироф этади. Аристотель биринчи марта инсоний мулоқотнинг ички қийматини асослашга ҳаракат қилди[14].

Шарқона тафаккурда ҳам мулоқот маданияти жамият тараққиётининг етакчи омилларидан бири саналган, мулоқот одоби, нутқий таъсирнинг тарбиявий аҳамияти, нотиқлик санъати каби хусусий масалалар ҳамиша эътиборда бўлган ва фалсафий, маънавий-ахлоқий адабиётларда жиддий талқин қилинган. Абу Наср Форобий, ал-Хоразмий, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Хисрав Деҳлавий, Кайковус, Шайх Саъдий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби олим-у фузалолар маънавий меросида шахс камолоти, унинг дунёқараши, тафаккури, билим савияси,

[13] Тоирова Г.И. Ўзбек нутқий мулоқотида системавийлик ва информативлик. Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) дисс. автореф. – Т., 2017. – 50 б.
[14] Пономарёва Е.С. Эволюция философско-этических представлений об общении // https://www.sibran.ru

ҳаётга муносабати одамлар билан ўзаро мулоқотида намоён бўлиши уқтирилган.

Иккинчи бобнинг "**Мулоқотнинг тадрижий тараққиёти"** бўлимида мулоқот тушунчасининг шаклланиш жараёни борасидаги назарий манбалар ўрганилган ҳамда амалий жараёни хусусидаги фикр-мулоҳазалар умумлаштирилган.

Инсон яралгандан буён мулоқот ичида яшаб келаётган бўлса-да, дастлаб аста-секин, сўнгра тобора тезроқ макон ва вақт чекловларидан халос бўла бошлади. Шу тариқа, мулоқот жараёни ҳамма вақт ижтимоий ва маданий ривожланиш омили деб қараб келинган бўлса-да, аммо илмий қарашлар объекти сифатида кенг тадқиқ қилиш охирги юз йилликлар даврига тўғри келади.

Мулоқот жараёнининг тараққиёт босқичлари хусусида турлича қарашлар мавжуд. Музаффар Қосимов жараённинг инқилобий бурилишларини ихчам тарзда қуйидагича тавсифлайди: «Инсоният ўз цивилизацияси тарихида уч бора ахборот инқилобини амалга оширди. Биринчиси ёзувнинг ихтиро қилиниши бўлган бўлса, иккинчиси Иоганн Гутенберг томонидан китоб босишнинг ихтиро қилиниши эди. Шубҳасиз, бу иккала ахборот инқилоби одамзоднинг билим кўлами бемисл тараққий этишига хизмат қилди. Учинчи ахборот инқилоби эса бу – интернетнинг дунёга келиши бўлди! Айнан, интернет ахборот коммуникация технологияларининг ҳозирги замондаги энг олий, илғор чўққиси бўлиб турибди»[15].

Ишда инсоният тарихида мулоқот концептининг тадрижий тараққиётида рўй берган инқилобий босқичлар Т.Д.Венедиктова ва Д.Б.Гудковлар тавсифи[16] ҳамда диссертация муаллифи томонидан ўрганилган фактик материаллар асосида таҳлил қилинган.

"Мулоқотни тасниф қилиш мезонлари" номли учинчи бўлимда мулоқот тушунчасининг табиати, мақсади, ифода шакллари, йўналишига кўра таснифлаш мезонлари ўрганилган. Ишда В.И.Сафьянов, М.С.Каган, М.Ю.Горбунова каби олимларнинг мулоқот турлари таснифларида турли нуқтаи назардан ёндашилганлиги хусусидаги фикрлар баён қилинган.[17]

Мулоқот таснифига оид материаллар ўзбек тилидаги илмий адабиётларда, хусусан, психологияга оид дарслик ва монографияларда кузатилган бўлса-да, нисбатан мукаммалроқ илмий қарашларни учратмадик. Асосан, рус ва чет эл мутахассислари ишларига мурожаат қилинган.

Масалага турлича ёндашувларни ўрганиш асосида мулоқотнинг характерли жиҳатларини қуйидаги жадвал орқали жамлашга ҳаракат қилдик.

---

[15] https://daryo.uz/k/2020/09/03/uchinchi-axborot-inqilobining-dunyoga-kelishi.

[16] Основы теории коммуникации: учебник и практикум для академического бакалавриата / под ред. Т.Д.Венедиктовой, Д.Б.Гудкова – М.: Юрайт, 2016. – С.12-17.

[17] Сафьянов В.И. Этика общения: Учебное пособие. – М.: Изд. МГУП, 1998. – С.24-32; Каган М.С. Мир обшения: Проблема межсубъектных отношений. – М.: Политиздат, 1988. – 319 с. – (Над чем работают, о чем спорят философы); Горбунова М.Ю. Социальная психология. – Москва: ВЛАДОС-ПРЕСС, 2006. – С.43-44.

№	Мулоқот характери	Тури
1	Ахборот узатиш усулига кўра	А. Вербал-новербал Б. Бевосита –билвосита
2	Суҳбатдошлар иштирокига кўра	А. Шахслараро-оммавий Б. Монолог-диалог-полилог
3	Табиатига кўра	А. Моддий Б. Фаолият доирасида В. Кондицион Г. Когнитив Д. Мотивацион
4	Йўналишига кўра	А. Расмий-норасмий Б. Гуманистик-манипульятив В. Параллел – бошқарувли
5	Маконга кўра	Контакт –дистант
6	Замонга кўра	Синхрон (ва асинхрон) - диахрон
7	Таркибига кўра	Нутқий мулоқот Медиамулоқот

Учинчи боб **“Нутқий мулоқот асослари”** тадқиқига бағишланади. Боб икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи бўлим “**Нутқий мулоқот тавсифи”** деб номланади.Учинчи боб **“Нутқий мулоқот асослари”** тадқиқига бағишланади. Боб икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи бўлим “**Нутқий мулоқот тавсифи”** деб номланади.

Тил мулоқот воситаси эканлигини доимий равишда таъкидлаган ҳолда, нима учун нутқий мулоқот бирикмасини танлаймиз? Масаланинг моҳиятини ёритиш учун дастлаб тил ва нутқ дихотомиясини англаб олиш талаб этилади.

А.Нурмоновнинг таъкидлашича, В.Гумбольдтнинг тилшунослик олдидаги беқиёс хизмати тил ва нутқни фарқлаш зарурлиги ҳақидаги ғояни олға ташлаганлиги ҳамда тилшунослик тарихида илк бор бундай фарқланишнинг тадқиқот объекти сифатида берганлигидадир. Ф.де Соссюр лисоний фаолият (Languege) нинг индивидуаллик ва социаллик белгиларини ўзида мужассам этган бутунлик эканини таъкидлайди ва лисоний фаолият доирасида икки асосий тушунчани – **тил** (langua) ва **нутқ** (porole)ни ажратди. Гарчи тил-нутқ дихотомияси Ф.де Соссюргача В.Гумбольдт, ёш грамматикачилар мактаби ва Бодуэн де Куртенэ томонидан баён қилинган бўлса ҳам, лекин Ф.де Соссюр уни лингвистик системанинг марказига айлантирди. А.Нурмонов «тил ва нутқ» дихотомиясининг шаклланиш жараёнини таҳлил қилар экан, Алишер Навоий тилшунос олим сифатида Вильгельм Гумбольдт ва Ф.де Соссюрдан анча олдин тил ва нутқ ҳодисаларини бир-биридан фарқлаганини таъкидлайди[18].

Ш.Шаҳобитдинова Ф. де Соссюр, унинг таълимоти билан алоқадор **langue** ва **parole** дихотомиясидаги *langue*ни лисон тарзида қўллаб, муаммони умумийлик ва хусусийлик диалектикаси асосида лисон – нутқ тарзида тавсифлайди. Лисон тилнинг умумийликлар, нутқ эса хусусийликлар тизими

[18] Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. –Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б.80.

экан, «Умумийлик ва хусусийлик диалектикасининг тилдаги тажаллиси нима?» деган саволга ихчам ва лўнда қилиб: «Тилда лисон ва нутқни фарқлаш», – деб жавоб бериш мумкин. Хусусийликларнинг белгиси уларнинг зоҳирийлиги, яъни бевосита кузатишда берилганлигидир. Тил ҳодисаларидан биз бевосита кўра оладиган, эшита оладиганлари хусусийликлардир[19].

М.Эрназарова ҳам масалага шу нуқтаи назардан ёндашиб, «Тил – лисон ва нутқ яхлитлигидаги мураккаб бутунлик эканлиги, лисон нутқда меъёр асосида воқеланиши, нутқ учун асос бўлиб хизмат қилишини замонавий илмий-назарий қарашлар ва методларга асосланган ҳолда тадқиқ этиш долзарб муаммолардан бири» эканлигини таъкидлайди[20].

О.Я.Гойхман нутқий мулоқот **нутқий фаолият, нутқни идрок этиш, англаш, қайта мулоқот** (айтилган фикрга нисбатан муносабат билдириш) босқичларига бўлинишини таъкидлайди.[21]

Коммуникантлар мулоқот жараёнида тилдан фойдаланар эканлар, у ёки бу тарзда нутқий фаолиятга киришадилар. Нутқий фаолият учун қуйидаги зарурий шартлар мавжуд: **психологик, лингвистик (структур-семиотик), мантиқийлик, коммуникатив, тилдан ташқари (экстралингвистик), когнитив, семиотик.**

Тадқиқотда ана шу шартлилик ҳолатлари лисоний далиллар асосида таҳлил қилинди. Масалан, тилнинг когнитив функцияси билан боғлиқ билимларни идрок этиш жараёнида олам лисоний тасвирининг турли тил ташувчилари томонидан турлича англаниши ортидан хатолар юзага келиши билан белгиланади:

*«Чиқмайман! - дебди бобом аламдан тутоқиб, - хизматини қилиб-қилиб энди отим «**пажалиста**» бўлдими?»*

Райком негадир илжайиб қўйибди-да, Оқсоқолга сиёсат қила кетибди. «Ўзингиз пажалиста, Оқсоқол, ота-бувангиз пажалиста! Ака-укаларингиз пажалиста! Қўйинг, Дума, хафа бўлманг, сиз пажалистамассиз!» Бобом дарров ҳовуридан тушибди. «Унақа деманг, ўртоқ райком, - дебди муросага келиб. - Ота-бувасига тил тегизманг. Отаси, раҳматли яхши одам эди. Акасиям «пажалиста» бўлганмас».

«Майли, ўзим пажалистаман, - дебди Оқсоқол. - Бўлдими, қутулдимми энди, овсар?»

«Сенам пажалистамассан, ўша гапингни қайтиб олсанг бўлди». Бобом шундай дебди-да, кетмонни кўтариб далага чиқиб кетибди. (Ў.Ҳошимов «Икки эшик ораси» романи)

Сўзловчи нутқидаги ўзга тилдан кирган варваризм – «пожалуйста» («марҳамат») сўзининг лексик маъноси нотаниш бўлгани сабаб адресат уни ҳақорат деб қабул қилади, қаттиқ жаҳли чиқади, чунки унинг оламни

---

[19] Шаҳобитдинова Ш.Х. Ўзбек тили морфологияси. – Андижон: Андижон нашриёт матбаа, 2012. – Б. 24.

[20] Эрназарова М. Грамматик маъно лисоний ва прагматик омиллар яхлитлигида. Филол. фанл. докт (DSc). ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2018. – Б.5.

[21] Гойхман О.Я., Надеина Т.М. Речевая коммуникация: Учебник для вузов / Под ред. Гойхмана О.Я. – М.: ИНФРА-М, 2001. – Б.6.

лисоний англаш тасаввурида бу тушунча йўқлиги туфайли когнитив-коммуникатив тўсиқ пайдо бўлади.

Учинчи бобнинг иккинчи бўлимида "**Нутқий фаолият турлари"** ҳақида фикр юритилади. Нутқий фаолиятнинг тўрт тури: **гапириш** ва **тинглаш, ёзиш** ва **ўқиш** нутқий мулоқот жараёнининг асосини ташкил этади. Мулоқот самарадорлиги коммуникаторларнинг ушбу нутқий фаолият турлари кўникмаларини қай даражада эгаллаганлиги билан боғлиқдир. Ўзбек тилшунослигида нутқий фаолият турларининг лисоний жиҳатлари етарли даражада тадқиқ қилинмаганлиги кузатилди.

1. Гапириш. Ҳар қандай фаолият тури сингари, гапириш ҳам ўзига хос тузилишга эга бўлиб, нутқий фаолиятнинг самарали туридир. «Ушбу мураккаб психолингвистик ва психофизик жараён нутқ ва тушуниш ҳаракатлари тўплами вазифасини бажаради. Агар тинглаш пайтида жараён шаклни идрок этишдан англашга ўтадиган бўлса, гапиришда бунинг акси бўлади, жараён тушунишдан шаклга ўтади»[22].

Ўзбек тилида овоз тембрига кўра баланд, қичқириб гапириш, бақириб гапириш, жарангдор, оддий, секин, пичирлаш; нутқ темпига кўра тез, оддий секин; талаффуз аниқлиги даражасига кўра, аниқ, равон, «шуваб гапириш», «минғирлаб гапириш» усулларидан бири сўзловчининг биопсихофизиологик ҳолати ёки мулоқот хулқи талаблари асосида юзага келади. Тилшунослик нуқтаи назаридан бу ҳодисаларнинг назарий масалалари деярли ўрганилмаган.

Тинглаш (синоними: эшитиш, эшитмоқ). Бу жараён нафақат сўзловчи томонидан узатилган ахборотни эшитиш, балки ундаги маълумотдан хабардор бўлиш, таҳлил қилиш қобилиятини ҳам англатади.

Австриялик машҳур психолог ва педагог А.Адлернинг бу борадаги назарий асослари диққатга сазовор. Олим тинглашнинг энг муҳим узвлари сифатида *товушларни қабул қилиш, диққатни жамлаш, тушуниш, ёдда сақлаб қолиш ва жавоб бериш* ҳолатларини қайд этади. Демак, тинглаш жараёнида тингловчининг физиологик, когнитив, коммуникатив фаолияти умумлашади[23].

Ёзиш (хат). Сўздаги товушлар тизимининг ҳарфлар орқали ифодаланиши. Гапириш каби ёзиш фаолияти орқали инсон бирор ахборот узатади, мулоқотга киришади. Лекин бу фаолият коммуникантлараро бевосита эмас, билвосита амалга оширилади. Чунки узатилган фикрни адресат тўғридан-тўғри эмас, балки ёзув (хат) орқали қабул қилади. Гапириш ва эшитиш жараёни бир вақтда ва бир маконда содир бўлса, ёзиш ва ўқиш ҳаракати коммуникантлар томонидан турли замон ва маконда алоҳида - алоҳида содир этилиши билан фарқ қилади. Айтиш мумкинки, оғзаки суҳбат диахрон шаклда бўлса, ёзма мулоқот ҳам диахрон, ҳам синхрон (ва асинхрон) хусусиятга эга.

---

[22]Попыкина А.А., Бенеш Н.И. Слушание и говорение, как навыки функциональной грамотности / http://eduherald.ru/ru/issue.

[23] Адлер А. Очерки по индивидуальной психологии. – М.: Когито-Центр, 2002. – С.45.

Ўқиш – бу мулоқотнинг босма ёки қўлда ёзилган матнлар инсон томонидан қабул қилинадиган ўзига хос шаклидир.

Т.А.Шехурдина матн мазмунини ўзлаштириш инсоннинг прагматик йўналтирилганлиги билан белгиланишини таъкидлайди ва шунга мувофиқ ўқиш турларини қуйидагича тавсифлайди: 1. **Чуқурлаштирилган ўқиш.** 2. **Матн билан танишиш.** 3. **Танлаб ўқиш.** 4. **Кўриб чиқиш. 5. Сканерлаш. 6. Тез ўқиш.**[24] Ана шундай мураккаб жараённинг прагматик қонуниятларини ўрганиш эса ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Ўзбек тилшунослигида бадиий матнларни ўқиб англаш борасида жуда кўп ва ранг-баранг бевосита ёки билвосита тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, бошқа услубий хосланган матнлар борасида бундай деёлмаймиз.

Тадқиқотнинг тўртинчи боби **“Мулоқот лингвокультурологик объект сифатида”** деб номланади. **“Тилнинг культурологик табиати”** номли биринчи бўлим лингвокультурологик тамойиллар тилни маданий онг маҳсули, унинг муҳим таркибий қисми ва мавжудлик шарти сифатида, маданий онгда шаклланган тушунчаларни ифодалаш омили сифатида ўрганиш мақсадини қўяди.

Тил ва маданият муносабати ўзбек тилшунослигида[25] ҳам кенг тадқиқ этилмоқда. Тилнинг миллий онг ва миллий тафаккур ифодаси сифатидаги ўзига хос имкониятлари, ўзбек халқининг миллий менталитети, миллий турмуш тарзи, миллий-маданий қадриятлари тизимининг тилда акс этиш даражасини ёритишда мулоқотнинг лингвомаданий жиҳатларини тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этади.

Кондуктор. *Яхши кетяпсизларми? Ҳеч нарса керакмасми? Чой? Қанд? Нон?*
Сулаймон ота. Чой*ингдан опке.* ***Кўк чой****инг борми?*
Кондуктор. *Топилади, отахон.* ***Бир стаканми*** *ё?*
Сулаймон ота. Истаконингни *нима қиламан?* ***Чойнакда*** *обке. Ҳа, менга қара, радиоинг нега гапирмайди?*
Кондуктор. *Кеч бўлди, отахон. Зерикдингизми? Пластинкаларим бор, қўйиб берайми?*
Сулаймон ота. *Қўй. Нимани қўясан?*
Кондуктор. «Ялла» *бор.* ***«Орэра», «Битлз»****лар бор.* ***«Ляна».***
Сулаймон ота. *Кўп экан пластинкаларинг.* ***Маъмуржон*** *ҳам борми?*
Кондуктор. *У кишидан ҳам топилади.*

---

[24] Шехурдина Т.А. Речевая коммуникация: Конспект лекций для студентов гуманитарных специальностей. – М.: РУТ (МИИТ), 2018. – С.25-26.

[25] Маҳмудов Н. Тилнинг мукаммал тадқиқи йўлларини излаб... // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. – № 5. – Б. 3-16; Маҳмудов Н. Ўхшатишлар – образли тафаккур маҳсули // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2011. – №3. – Б. 19-24; Худойберганова Д. Матннинг антропоцентрик тадкики. –Тошкент: Фан, 2013; Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли лугати / Н. Маҳмудов, Д. Худойберганова. – Тошкент: Маънавият, 2013; Xudoyberganova D. Lingvokulturologiya terminlarining qisqacha izohli lug`ati. – T.*:* Turon zamin ziyo, 2015; Бахронова Д.К.Антропозооморфизмларнинг семантик ва лингвокультурологик хусусиятлари (ўзбек ва испан тиллари материалида). Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) дисс. автореф. – Т., 2017; Кадирова Б.Р. Белги билдирувчи лексемаларнинг лингвокультурологик хусусиятлари: Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) дисс. автореф. – Т., 2019; Мўминова А. Лингвокультурологиянинг замонавий тилшуносликдаги ўрни хусусида // www.journal.fledu.uz]; Усманов Ф.Ф. Ўзбек тилидаги ўхшатишларнинг лингвомаданий тадқиқи. Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) дисс. автореф. – Т., 2020.

Сулаймон ота. *Ўшани қўй. (Анвара ва йигитларга). Бир эшитиб кетайлик-а?* (Ўлмас Умарбеков «Қиёмат қарз» драмаси).

Ушбу кичик дискурсив вазиятда анъанавий миллий маданий белгилар билан замонавий маданий тушунчалар тўқнашувига дуч келамиз. *Чой, кўк чой, чойнак, Маъмуржон* (Маъмуржон Узоқов – изоҳ бизники) бирликлари орқали анъанавий маданий негизларга хос қолипларни англасак, «*истакон», Орэра», «Битлз»,«Ляна»* лексемалари орқали бошқа маданиятлар таъсирида пайдо бўлган замонавий тушунчалар ифодаланади.

Антропоцентрик тамойилларнинг фаоллашуви натижасида маълум бир халқнинг мулоқот меъёрлари ва анъаналари ушбу халқнинг нутқий фаолияти тавсифини ифодалаши нуқтаи назаридан **мулоқот хулқи** тушунчаси шаклланди. И.А.Стернин мулоқот хулқи меъёрларини тўрт жиҳатдан тадқиқ қилиш мумкинлигини таъкидлайди: 1) умуммаданий меъёрлар; 2) ситуатив меъёрлар; 3) жамоавий меъёрлар; 4) индивидуал меъёрлар. Масалани ўрганар эканмиз, мулоқот универсалияларига асосланган ***умуминсоний меъёрлар***ни бешинчи тур сифатида киритиш керак деб ҳисоблаймиз. Ишда юқоридаги меъёрий умумлашмалар асосида ўзбек, рус, инглиз тилига оид фактик материаллар қиёсий таҳлил қилинган.

Тўртинчи бобнинг **“Маиший мулоқотнинг лингвокультурологик жиҳатлари”** номли иккинчи қисмида жамиятнинг турли синфлар, гуруҳларга бўлиниши туфайли тилда рўй берадиган ижтимоий дифференциация ҳодисаси мулоқот жараёнида тил бирликлари функционаллигининг фарқланишига олиб келиши масаласи лингвокультурологик нуқтаи назардан тадқиқ қилинган.

Социолект (инг. sociolect, лотинча societas - ижтимоий ва диалект сўзларидан) атамаси жамиятга муносабатни ифодаловчи «социал» (ижтимоий) ва «диалект» сўзининг иккинчи қисмидан ҳосил бўлган; бу моҳиятан «ижтимоий диалект» иборасининг бир сўзга қисқаришидир. Социолектлар яхлит мулоқот тизими эмас[26], балки, миллий тилнинг маълум бир қуйи тизими доирасидаги ҳар қандай ижтимоий гуруҳга – касбий, синфий, ёшга ва бошқаларга хос бўлган лингвистик хусусиятлар тўпламидир.

Ҳозирда Интернет мулоқоти таъсирида шаклланаётган *ёшлар сленги*, шунингдек, турли ижтимоий омиллар ижтимоий муҳит ва ОАВ таъсирида шаклланган *қариялар* ва *зиёлилар нутқи*, киноя ва қочиримларга бой *шахслараро сўзлашув нутқи,* ўзига хос кичик ижтимоий муҳит ҳисобланадиган *оилавий мулоқот* каби фарқланишларни социолект тарзида белгилаш мумкин.

Ўзбек менталитетига хос миллий-маданий қадриятлардан бири бўлса-да, социолингвистик ва дингвокультурологик жиҳатдан тадқиқотчилар назаридан четда қолган «қўшничилик», «маҳалла» концептлари доирасидаги ***қўшнилар*** қатламини ҳам кичик ижтимоий гуруҳлар типига киритиш мумкин. Инглиз маданиятида ҳам қўшничилик муносабатларига алоҳида урғу берилади, лекин бу Шарқ халқлари маданиятида бўлгани каби ёркин

[26] Беликов В.И., Крысин Л.П. Социолингвистика: Учебник для вузов. – М.: 2001. – С. 30

эмас. Инглиз диний қарашлари ва паремиологик фонди қўшнига яхши муносабатда бўлишга ундайди. Инсон ўз манфаатлари учун қўшниси билан келиша олиши кераклиги уқтирилади:

The Bible tells us to love our neighbors, and also to love our enemies; probably because generally they are the same people.
To do exactly as your neighbors do is the only sensible rule.
Be at war with your vices, at peace with your neighbors, and let every new year find you a better man.
Love your neighbor, yet pull not down your hedge
Don't measure your neighbor's honesty by your own[27].

Таниш ва нотанишлар микрогуруҳи орасидаги мулоқот ҳодисаси ҳам ўзига хос лингвокультурологик хусусиятларга эга. Бу борада ўзбек менталитетида такаллуф, мулозамат, вертикал муносабатлар устун бўлса, Ғарб мулоқот тизимида бу хусусиятлар у қадар аҳамиятга эга эмас, балки горизонтал муносабатлар етакчи ҳисобланади.

Тадқиқотнинг тўртинчи боб, учинчи қисмида **"Маданиятлараро мулоқот концепцияси"** масаласининг лингвокультурологик жиҳатлари ўрганилган. Ўзга маданиятни тушуниш учун мулоқотнинг қанчалик муҳимлигини намойиш этадиган маданият ва мулоқот ўртасидаги муносабатни ифодаловчи **маданиятлараро мулоқот** (кейинги ўринларда – **ММ**) атамаси турли маданиятларга мансуб шахслар ва гуруҳлар ўртасидаги муносабатлар ва мулоқот шакллари тизими сифатида Эдуард Холл томонидан биринчи марта муомалага киритилди ва кенг миқёсда қўлланила бошлади.

Маданиятлараро мулоқот – бу миллий маданиятларни ўзаро бойитишни ҳам, уларнинг ўзига хослигини сақлашни ҳам назарда тутадиган муносабатлар тизимидир. Маданий хилма-хилликни сақлаш глобаллашувнинг гуманистик тушунчалари бошланиш нуқтасидир.

Диссертациянинг **"Мулоқотдаги замонавий тенденциялар"** деб номланган бешинчи бобида Интернет мулоқоти феномени, Интернет мулоқоти жанрлари, медиамулоқотнинг коммуникатив имкониятлари ёритилган. Бобнинг биринчи қисми **"Интернет мулоқотининг ўзига хос жиҳатлари"** деб номланади.

Интернетнинг ўзбек сегменти тилининг мавжудлиги ва ўзига хос жиҳатларини ўрганиш мавзуси бугунги кунда ҳар жиҳатдан янги бўлса-да, яқин келажакда у тилшунослик тадқиқотларида муҳим ўрин эгаллаши аниқ бўлиб қолди. Сабаби, бугунги кунда жуда қисқа давр ичида интернет энг улкан ахборот манбаи ҳамда бутун инсоният фаолият юритаётган ахборот алмашиш воситаси бўлиб қолди.

Ўзбек тадқиқотчилари ва мутахассислари интернетнинг ижтимоий-психологик жиҳатлари, интернет журналистикаси, муайян соҳа тармоқларига

[27]Proverbs about neighbourhood // https://proverbicals.com/neighbors.

эътибор қаратмоқда[28]. Интернет мулоқотининг тил хусусиятларига бағишланган дастлабки тадқиқотлар ҳам олиб борилмоқда[29].

Фан-техника тараққиёти таъсирида интернет мулоқоти воситаси сифатида сўзлашув услубининг ёзма шакли пайдо бўлди. Ёзма сўзлашув нутқининг дастлабки кўриниши сифатида у қадар оммалашмаган мактуб, XX аср охирида телефон орқали смс шаклида қўлланган бўлса, XXI асрга келиб интернет коммуникацияси пайдо бўлиши билан оммавий мулоқот турига айланди.

Кундалик алоқа-аралашув жараёнида кишилар бир-бири билан муносабат пайти ўз ҳис-ҳаяжонини билдирадилар. Бу туйғулар юз кўринишини ўзгартириш, қичқириш, бақириш, кулиш, йиғлаш, турли имо-ишоралар орқали ҳамда фонетик, грамматик ва лексик воситалар билан ифодаланади.

Фонографик восита. Қаҳрамонлар руҳиятидаги ички ҳаяжон, хурсанд бўлиш, хафа бўлиш, розилик, таажжуб, ялиниш, ҳайратланиш, киноя, пичинг, кесатиқ, олқиш, сўроқ, таъкид, қониқмаслик, норизолик, тилак-истак, қўллаб-қувватлаш каби ҳолатларни айнан беришда ёзувчилар унли ёки ундошларни бирдан ортиқ ёзиш усули – **фонографик воситалар**дан фойдаланадилар.»[30] Бадиий услубга хос ана шу усул Интернет мулоқоти сўзлашув нутқига ҳам кириб келди:

Воооййй, чуққууурлигини қарааа.

Вай, Мани Кўчински муллабувалярриим. («Фейсбук»дан)

"Speak out, my boy—don't be diffident. The truth is always respectable.

What did you take there?"

"Only a—a—dead cat."

perfectly smoozy for my tired head tonight...looooooooooong week...again... (Elliott M. Drinking Songs)

График восита. Интернет мулоқоти шаклланиши жараёнида янги усул – адресантнинг ўз фикрига субъектив муносабатини билдириш, фикрнинг коммуникант онгига етиб боришини хоҳлаётгани ифодаси сифатида жумла ёки микроматнда тўлиғича бош ҳарфлардан фойдаланиш усули пайдо бўлди:

ЎЙЛАБ ГАПИРИШ КЕРАК ЭДИ. («Фейсбук»дан)

The only CRAZY I was was when I married him. I knew right away I made a mistake.(Facebook)

Лексик восита.

- Яраланган «чўлоқ тошбақа» ҳамон судралмоқда...(Фейсбук ҳақида)

- «Подволдаги болалар» фильмидан. («Фейсбук»дан)

Фикр алмашувнинг бу тарздаги тагмаънолар орқали ифодалаш-англаш жараёни кечиши учун коммуникантлар фильм сюжети ва моҳияти билан

---

[28]Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф**.** Интернет одоблари // https://islom.uz/view; Бекназаров К.Т. Интернет самарали коммуникация канали сифатида // НамДУ илмий ахборотномаси. – 2019. – №12. – Б.54-59; Рашидова Д., Муратова Н. Интернет журналистика. –Т.: 2007; Қосимова Н. Онлайн журналистика. –Т.: 2019 // http://beruniyalimov.uz/en/archives.

[29] Каримов Р.Г. Тижорат хатларининг лингвопрагматик аспекти (инглиз ва ўзбек тиллари материалида). Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. –Т., 2018. – Б.138.

[30] Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. –Т.: Фан, 2006. – Б.26-27.

таниш бўлишлари керак. Агар акси бўлса, мулоқот кутилган натижани бермайди.

Грамматик восита. Ўзбек халқи азалдан киноя, қочиримли гапларга, «коса тагида нимкоса» типидаги ишораларга ўч. Айнан, интернет мулоқотида ана шундай кинояли диалогларни кўплаб кузатиш мумкин.

Қўшним бир ажойиб брат-да. Дунёни вирус босса, ниқобидан ўтмайди. Зерикиб қолса, балиқ овига чиқадими-ей, итига атаб ашула айтадими-ей... Хуллас, тилло инсон-да у кишим... («Фейсбук»дан)

Ушбу матнда таърифланаётган инсоннинг исми-шарифи очиқ айтилмаган, адрессиз бўлса ҳам, бошқа фойдаланувчилар матндаги қочиримлар орқали унинг кимлигини англаб, муносабат билдира оладилар:

Золотой бола, дейсиз-да. («Фейсбук»дан)

Инглиз халқи ҳам сарказмдан кенг фойдаланади. Интернет сарҳадларига қўйилаётган постларнинг таъсир даражаси ва муаллифнинг эмоционал – руҳий кечинмалари ифодасини маъромига етказишда бу жуда қўл келади:

I'm not saying I hate you, what I'm saying is that you are literally the Monday of my life.

"It's okay if you don't like me. Not everyone has good taste. (Facebook)

Ноадабий лексик қатламдан фойдаланиш.

Варваризм. Айрим сўзловчилар ўз нутқини назорат қилмаслиги, ўзлашма сўзларнинг муқобили бўла туриб, ўзга тил бирликларини намойиш этишга нитилиши натижасида варваризмлар нутққа кириб келади:

Крошкали *пирог бориди-ку пишгандан кейин* ***сгущёнка*** *қуйиб чиқилади устидан, ҳам юмшоқ, ҳам мазаси зўр.* («Фейсбук»дан)

Megan is one of the ***chic*** *fighters.(Facebook)*

Вульгаризм. Нутқ софлигига салбий таъсир кўрсатадиган тил бирликларидан бири вульгаризмлар бўлиб, дағал муносабат, ҳақорат, қарғиш каби салбий маъноларни ифодалайди. Бундай сўзлар 2 хил мақсадда қўлланади:

1) бевосита адресатга қаратилган салбий муносабатни ифодалаш учун: ***Тупой экансан.*** *Мен шаҳарга шу пандавақи билан бораманми?* («Фейсбук»дан)

2) адресатга етказмоқчи бўлган ахборотига алоқадор бошқа бир объектга нисбатан салбий муносабатни ифодалаш учун: *Манави* ***қовоқбош жинни****ларни жиннихонага ётқизилмаса, одамларни калака қилиб, асабига тегишдан тўхтамайди, шекилли.* («Фейсбук»дан)

But ***damn*** *it, I've been accomplishing what he only talks about .(Facebook)*

Сўкиниб, қарғаб гапириш, инсонга беҳурматлик, нописандлик ҳолатларининг интернет мулоқотига ҳам кириб келиши салбий ҳолат ҳисобланади.

Диалектизм (юн. dialektos – шева, лаҳжа) – маълум бир ҳудудда яшовчи кишилар тилига хос лексик бирликлар, фонетик, морфологик,

синтактик хусусиятлар жами[31]. ***Дим*** *чиройли ва шинам экан* ***долонингиз.*** («Фейсбук»дан) ***I'm fixin*** *to go to town. (Facebook)*

Интернет тармоғидаги ёзма нутқий фаолият муқаррар равишда оғзаки нутқ билан боғлиқ бўлиб, фонетик, морфологик ва синтактик бирликларда адабий тил меъёрларидан чекиниш, қисқартмалар, ноадабий қатламга хос сўз бойлиги, шунингдек, тармоқнинг махсус график дизайни кабилар виртуал мулоқотнинг янги йўналишини акс эттиради.

Бешинчи бобнинг иккинчи қисми **"Интернет мулоқоти жанрлари"** тадқиқига бағишланган. Тил ташувчиси учун янги ифода шаклларининг пайдо бўлиши нуқтаи назаридан Интернет матнларининг лингвистик жиҳатлари тадқиқот объектига айланди.[32] Ўзбек тилшунослиги тадқиқотлар оқимида Интернет мулоқотида шахслараро нутқий фаолият турларининг ўрни ва уларни реаллаштирувчи лингвистик воситалар, ижтимоий тармоқлар материаллари оғзаки ва ёзма шаклларининг нисбати ҳали ўрганилмаган.

Коммуникатив муҳит параметрларининг тубдан ўзгариши натижасида виртуал мулоқот кучли аттрактор сифатида бутун инсониятни ўзига тортиб олмоқда. Хатто, бир пайтлар телевизорни ҳам қийинчилик билан қабул қилган ўзбек сегментида интернет тармоғи катта ёшдаги отахон-у онахонларнинг ҳам оила аъзолари ва яқинлари билан қулай мулоқот воситасига айланганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Бугунга келиб, синергетик жараёнлар, бифуркация ҳолати янги тушунчаларни келтириб чиқарди ва лингвистикада «нутқ жанрлари» атамаси пайдо бўлди. Ижодий ва нутқий фаолиятнинг барча турларини назарда тутган ҳолда қуйидаги таърифни тавсия этамиз: **«Муайян тил услуби доирасида тизим ҳосил қилувчи оғзаки ва ёзма матн ёки турли йўналишдаги санъат асарларининг нисбатан устувор белги, хусусиятларга эга бўлган ички бўлинишидир».**

Интернет мулоқоти жанрларини таснифлаш борасида А.В.Угро[33] позициясига ижодий ёндашган ҳолда жанрларни қуйидагича ифодалаш ўринли деб ҳисоблаймиз: **коммуникатив макон → формат → жанр** (масалан, «Фейсбук» → чат→ хабарнома).

Ўрганилган назарий қарашларга танқидий ёндашиб, олимлар ва ўз фикрларимизни умумлаштирган ҳолда қуйидаги таснифни шакллантирдик:

Интернет мулоқоти жанрлари таснифи

Коммуникатив макон	**Формат**	**Жанр**
электрон почта янгиликлар хизмати қидирув тизими ижтимоий тармоқ IRC	Mail.ru, Yahoo ва бошқалар форум чат электрон кутубхона	электрон хат хабарнома (СМС) блог (пост, статус, твит) влог (видеоблог)

[31] Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати – Т.: Akademnashr, 2010. – Б.91.
[32] Қаранг: бу ҳақда ишнинг кириш қисмида батафсил маълумот берилган.
[33] Угро А.В. Виртуальное жанроведение: в поисках жанра // Известия ВГПУ. 2018. №6 (129). – С. 168-172.

ICQ Телнет FAQ ва бошқалар.	меҳмонлар китоби веб-сайт веб-каталог онлайн энциклопедия *Wikipedia* веб-саҳифа (шахсий, сиёсий ва ҳк.) Интернет-дўкон ва бошқ.	шарҳ (коммент) ташриф нутқи веб-баннер веб-эълон

Электрон хат. Интернет мулоқотининг дастлабки кўриниши сифатида электрон почта орқали юбориладиган хат. Элементларнинг таркиби ва ишлаш принципи нуқтаи назаридан қоғозли почта тизимига асосланган (почта, хат, конверт, бириктирма, қути, етказиб бериш ва бошқалар) жараёнлар интернет тармоғи орқали амалга оширилади, асосан, расмий доираларда қўлланади. Электрон почта орқали хатдан бошқа жанрдаги ҳужжатларни ҳам матн, файл, медиафайл, дастур шаклларида юбориш мумкин.

Хабарнома (SMS). Бу тушунча эндигина ҳаётимизга кириб келганлиги учун луғатларда акс этмаган. Шунинг учун қуйидагича таъриф беришни тавсия этамиз: **Хабарнома диалогик нутққа оид синтаксемаларнинг коммуникацион воситалар (телефон, интернет тармоғи) орқали матн ёки овозли ёзув шаклида масофадан туриб адресатга узатиладиган шакли.** Шу ўринда бир нарсага изоҳ бериб ўтиш жоизки, ҳозирда телефон ва интернет тармоқларида мулоқот жанрлари ичида етакчи мавқега эга бўлган хабарнома (SMS) билан матн ёки нутқий бирликдаги хабар мазмунини чалкаштирмаслик керак. Жанр маъносидаги атамани **хабарнома** шаклида қўллашни маъқул кўрдик.

Хабарнома матнларида қуйидаги ҳолатларни кузатиш мумкин:

1.**Фонографик чекиниш**: кириш – криш, юборинг – юворинг.

2. **График чекиниш**: а) ў – у → *йўқ – йуқ*, қ – к → *овқат – овкат, Самарқанд – Самарканд*

х - х → *меҳмонхона – мехмонхона;*

3. **Лексик чекиниш**: ўзбек тилида варваризмга оид сўзлар (*пресстижний*), калька (*бан, лайк, апгрейд*), фонетик мимикрия (*виндовз, ворд*)дан фойдаланиш кенг тарқалган бўлса, инглиз тилида қисқартмаларнинг турли кўриниши, масалан, лисоний воситаларни иқтисод қилиш мақсадида юзага келган аббревиатуралар (*LOL – laugh out loud, ASAP- as soon as possible)*, шунингдек рақам ва ҳарф чатишмасига асосланган омофонларнинг қўлланилиши доминант характерга эга (*U2- you too, CU- see you, 4U- for you ва ҳ.к.).* Мазкур воситалардан ташқари бир қанча лексик ўзига хосликларни кузатиш мумкин.

4. **Синтактик чекиниш**: ўзбек тилида қаратқич келишиги ўрнида тушум келишиги қўлланган ҳолатлар кўп учрайди: *Буни ичида поезд, автобус, беш юлдуз мехмонхона, уч маҳал овкат, сугурта ва гид хизмати, музейларга криш бор.* Инглиз тилида ҳам аграмматизм фаол*: my most*

favouritestest bestestest film (Wristcutters: A Love Story.); диққатга сазовор жиҳатларидан яна бири эса эллипсиснинг кенг қўлланилишидир: *Makes me think of Grim Fandango. Going to watch this. (Wristcutters: A Love Story.); clicked on this not knowing what it is. enjoyed it, very interesting. [The Deadly Elegant Dark Cabaret/Folk Song Collection)*

Блог (пост, статус, твит). Блог ахборот, таҳлилий, шахсий муносабат, табрик, бадиий асар каби исталган йўналишдаги матн, расм, фото, видео, шаклларида бўлиши мумкин (медиаматн шакллари хусусида кейинроқ батафсил тўхталамиз). Блог материали шахсий ёзишмалар тарзида баён қилиниши ёки манбаси кўрсатилган ҳолда кўчириб ўтказилиши мумкин. Бу жанрнинг ўзига хос хусусияти шундаки, тармоқ фойдаланувчилари учун очиқ матн бўлиб, ихтиёрий одам унга ўз муносабатини шарҳда ёзиб қолдириши, маъқул келса, ўз саҳифасида қайд этиши ва бошқаларга улашиши ёки ўз саҳифасидан ўчириб юбориши мумкин.

Шарҳ – «Ахборот ресурслари, кўнгил очиш сайтлари, блоглар ва бошқа жойлардаги хабарлар таркибида ҳар ким матн муаллифи ва / ёки бошқалар билан мунозарага киришиши мумкин бўлган махсус компонент».[34]

Синхронлик параметрига кўра шарҳ расмий равишда асинхрондир, чунки матнларни яратиш коммуникаторларнинг тармоқда бир хил вақтда мавжуд бўлишларини талаб қилмайди.

Бешинчи бобнинг якуний учинчи қисмида **“Медимулоқот – Интернет мулоқотининг етакчи хусусияти”** эканлиги хусусида баҳс юритилган.

Лингвистик ва паралингвистик белгиларнинг аралаш қўлланишидан хосил бўлган матнлар креоллашган ёки креолитик матн дейилади. Шу ўринда замонавий мулоқот тизимида кенг қўлланилаётган креолитик матнларда тил бирликларидан кам бўлмаган даражада муҳим аҳамиятга эга бўлган **паралингвистик воситалар** хусусида батафсил фикр юритилган.

Паралингвистика лотинча *para* – «ёндош», *lingua* – «тил» сўзларидан олинган бўлиб, «тилга ёндош», «тил билан бирга қўлланилувчи» маъноларини ифодалайди.

Илмий манбаларни ўрганиш ва умумлаштириш асосида ҳамда компьютер технологияси тараққиётининг матн яратишдаги кенг имкониятларини назарда тутган ҳолда паралингвистик воситаларни қуйидагича таснифладик:

I. Оғзаки нутққа хос паралингвистик воситалар:

1.**фонацион воситалар**: овоз тембри, оҳанги, пауза, керакли ўринларни овоз ўзгариши орқали таъкидлаш.

2. **оптик воситалар**: кўз орқали имо-ишоралар;

3. **мимика**: юз ҳаракатлари;

4. **кинетик ёки «пантомимик»**[35] воситалар: бош ва гавда ҳаракатлари.

II. Ёзма мулоқотга хос паралингвистик воситалар:

График воситалар:

---

[34] Степанова Л.Н. Комментарий в современном информационно-коммуникативном пространстве: перспективы лингвистического исследования // Современная филология (II). – Уфа, 2013. – С. 94–95.

[35] Ғозиев Э. Муомала психологияси. Ўқув қўлланма. – Тошкент: 2001. – Б.11.

а) тиниш белгиларни услубий талаб асосида ноанъанавий қўллаш;
б) шрифтнинг ҳажми ва рангини ўзгартириш, курсив орқали ажратиб кўрсатиш;
в) ёрдамчи рамзий график белгилар: §, №, %, +, -, /, [], &, $, ∗, = каби.

III. Виртуал мулоқотга хос паралингвистик воситалар:

Аудиовизуал воситалар: овозли ёзув, видеотасвир, эмодзи, смайлик, фон, гиф каби.

IV. Универал паралингвистик воситалар:

Иконик (тасвирий) воситалар: расм, фото, схема, чизма, таблица каби.

Интернет мулоқотига оид креолитик матн концепти доирасида **медиаматн, медиадискурс, масс-медиа, мультимедиа** тушунчалари ўзаро уйғунлашади. Шу асосда тилшуносликда «Медиалингвистика»ни мустақил йўналиш сифатида ажратиш, медиаматн – медиадискурс диалектикасини ўрганишнинг назарий асосларини яратиш, медиамулоқот тамойиллари ва хусусиятлари, ўзига хос жиҳатларини ўрганишга эҳтиёж пайдо бўлди[36].

Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, мулоқот тарихида медиаматннинг қадимги ибтидоий намуналарини ҳам учратишимиз мумкин. Шу ўринда «Широқ» афсонасидаги Широқнинг ўз қулоқ-бурнини кесиши, «Равшан» достонида Гўрўғлининг Равшанни узук орқали мақсадга чорлаши, «Сабъаи сайёр»да Монийнинг шоҳ Баҳромга Дилоромнинг ўзи чизган суратини кўрсатиши кабиларни мисол келтиришимиз мумкин. Демак, нутқий мулоқотнинг таъсирчанлигини оширишда, айнан, кўргазмалилик, реал предметлилик муҳим аҳамиятга эга. Медиаматннинг келиб чиқиш моҳияти ҳам мулоқотнинг ана шу хусусияти билан боғлиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, Интернет мулоқоти дискурси анъанавий мулоқот турларини замонавий илмий-техник тамойиллар ва имкониятлар асосида ривожлантирди ҳамда инсон омили ва жамият тараққиёти учун сезиларли таъсирга эга бўлган етакчи феноменга айланиб улгурди.

ХУЛОСА

1.Дунёни англаш, билиш жараёнидаги янгича ёндашув сифатида фанга кириб келган синергетика фалсафий тамойилларнинг муҳим жиҳатларини ўзида мужассам этган методология сифатида объектнинг субстанциал моҳиятини чуқур таҳлил қилиш имкониятини бера олади. Тил сатҳларига оид ҳодисалар, табиий ва ижтимоий эволюцион жараёнлар натижасида юз берган турли хил

[36] Медиалингвистика. Вып. 6. Язык в координатах массмедиа: матер. II Междунар. науч.-практ. конф. / отв. ред. А. А. Малышев. – Санкт-Петербург, 2017. – 334 с; Добросклонская Т.Г. Вопросы изучения медиа текстов: Опыт исследования современной английской медиа речи. – М.: МАКС Пресс, 2000; Perrin D. Medienlinguistik. – Konstanz: UVK Verlagsgesellschaft mbH, 2006; Добросклонская Т. Г. Медиалингвистика: системный подход к изучению языка СМИ: современная английская медиаречь. – М.: 2008. – 264 с; Дускаева Л. Р. Медиастилистика в России: традиции и перспективы // Журналистика и культура речи. 2011. – № 3. – С.7-25; Будаев Э. В. Дискурсивное направление в зарубежной медиалингвистике // Известия Уральского государственного университета. 2006. –№ 45. – С. 167-175; Шмелёва Т.В. Медиалингвистика как медийное речеведение // Медиатекст как полиинтенциональная система. – СПб, 2012. – С. 56-61; Таюпова О.И., Бычковская Н.В. Медиалингвистика как современное научное направление. // Liberal Arts in Russia. 2014. – Vol. 3. No. 1. – P. 610-616.

ўзгаришларни синергетик парадигма асосида таҳлил ва талқин этиш тилшунослик фани олдида турган навбатдаги тараққиёт босқичига йўл очади.
2. Коммуникация ва мулоқот атамаларини қўллашда ҳар хиллик кузатилиши очиқланди ва бу тушунчаларнинг айнан бир нарса эмас, балки бири иккинчисини тақозо қилувчи концептосфера узвлари эканлигининг назарий асоси шакллантирилди. Бунда **мулоқот** атамаси жараённинг умумий тизимини, **коммуникация** эса шу тизимни шакллантириш майдони ва воситаларини англатади.
3. Мулоқот табиатини белгилаш, унинг ўзига хос қонуниятларини аниқлаш, коммуникантларнинг шахсий, ижтимоий, этик, психологик, маданий савиялари билан узвий боғлиқ бўлиб, когнитив лингвистика соҳасидаги сўнгги инқилобий ўзгаришлар мулоқот назариясини шакллантиришда социолингвистика, психолингвистика, прагмалингвистика, лингвокультурология, медиалингвис-тика каби фанлараро интеграциялашган назарий ёндашувни талаб этмоқда.
4. Мулоқот жараёнига инсоний фаолиятнинг бир тури ва ўзаро таъсир воситаси сифатида ёндашиш, мураккаб ситуатив прагматик система сифатида интралингвистик (нутқий фаолият турлари, нутқнинг мантиқий ва композицион қурилиши, нутқ техникаси, нутқ тактикаси, нутқий меъёрлар, лисоний ва нолисоний воситалар) ва экспралингвистик (ижтимоий, миллий-маданий, медиамакон) омиллар асосида тадқиқ қилиш унинг моҳиятини янада чуқурроқ англашга имкон беради.
5. Мулоқот жараёнининг кенг қамровли амалий жиҳатлари доимо янги имкониятларни рўёбга чиқариш, технологик ютуқларнинг кутилмаган натижаларига мослашиш, маданий ва ижтимоий манзаранинг ўзгариб туриши жараёни таъсирида мулоқот назарияси ҳам янгиланиб, такомиллашиб боради. Замонавий коммуникатив ҳодисалар негизида мулоқотни муносабатларнинг кўп ўлчовли ва динамик тизими сифатида талаб этилмоқда.
6. Мулоқот тушунчасининг табиати, мақсади, ифода шакллари, йўналишига кўра таснифлаш мезонлари ўрганилди ва мулоқотнинг характерли жиҳатлари қуйидагича таснифланди:
1). Ахборот узатиш усулига кўра: А. Вербал – новербал; Б. Бевосита – билвосита
2). Суҳбатдошлар иштирокига кўра: А. Шахслараро – оммавий; Б. Монолог – диалог – полилог
3). Табиатига кўра: А. Моддий; Б. Фаолият доирасида; В. Кондицион; Г. Когнитив; Д. Мотивацион
4). Йўналишига кўра: А. Расмий-норасмий; Б. Гуманистик-манипульятив;
В. Бошқарувли – параллел (вертикал-горизонтал)
5). Маконга кўра: Контакт –дистант
6). Замонга кўра: Синхрон(ва асинхрон) – диахрон
7) Таркибига кўра: Нутқий мулоқот; Медиамулоқот
7. Коммуникаторлар нутқий фаолияти мазмуни когнитив-психологик вазиятлар ва ўзаро муносабатлар характерига кўра йўналтирилади. Ўзбек

тилшунослигида Психолингвистика йўналиши негизида мулоқотнинг ана шу жиҳатларини тадқиқ этиш долзарб масалалардан биридир.

8. **Гапириш** ва **тинглаш** (оғзаки) ҳамда **ёзиш** ва **ўқиш** (ёзма**)** нутқий фаолият турлари диалектик қонуниятга мувофиқ фаолиятнинг юзага чиқиш механизмларининг қарама-қарши томонлар диалектик бирлиги сифатида нутқий мулоқот жараёнининг асосини ташкил қилади. Мулоқот самарадорлиги коммуникаторларнинг ушбу нутқий фаолият турлари кўникмаларини қай даражада эгаллаганлиги билан боғлиқдир.

9. Тил таълими жараёнида товуш→ сўз→ гап→матн динамикасини ўрганиш билан бирга оғзаки ва ёзма матн ярата олиш, ўзгалар нутқини тинглаш, ўйлаш ва таҳлил қилиш, қўйилган саволларга тўғри жавобларни танлаш, хулосалар чиқариш компетенцияларини шакллантириш жараёнини тўлиқ таъминлаш бугунги кунда она тили таълими тизими олдига қўйилган стратегик мақсаддир.

10. Антропоцентрик тамойилларнинг фаоллашуви натижасида м**улоқот хулқи** тушунчасининг шаклланиши унинг асосий таркибий қисмлари, атамалар доираси, миллий маданиятнинг таркибий қисми эканлиги, муайян этник гуруҳнинг мулоқот хулқига хос характерли хусусиятларини тавсифлаш орқали илмий назарияни шакллантириш, чет тилларини ўрганиш жараёнида тили ўрганилаётган миллатнинг мулоқот хулқи тавсифларидан фойдаланиш каби қатор масалаларни ўрганишни тақозо этмоқда.

11. Мулоқот хулқининг ***умуммаданий, ситуатив, жамоавий, индивидуал*** меъёрлари қаторига универсалияларга асосланган ***умуминсоний меъёрлар***ни бешинчи тур сифатида киритдик. Шунингдек, шевага оид тил бирликларининг ўзига хос фарқли жиҳатлари бўлганидек, ўзбек шеваларига асосланган ҳудудий мулоқот хулқининг ўзгачалик белгилари ҳам мавжудлигини эътиборга олиб жамоавий меъёрлар таркибига ҳудудий меъёрларни киритиш жоиз деб ҳисоблаймиз.

12. Маданиятлараро мулоқот тушунчаси жамиятнинг деярли барча соҳаларига кириб бораётгани, айниқса, индивидул шахслараро мулоқот кенг тус олаётгани ўзбек менталитетига таъсири муаммосининг этник, социологик, психологик ва лингвистик жиҳатларини тадқиқ қилишни тақозо этади.

13. Ўзбек мигрантларининг ўзга маданиятларнинг ижтимоий-маънавий муҳитига, ўша маданиятга оид халқларнинг урф-одатлари, менталитети, эстетик қарашларига мослашиш, бегона халқ турмуш тарзини қабул қилишга интилиш ҳолатлари миграциянинг маданий оқибатлари жиддий эканлигини кўрсатмоқда.

14. Ўзбекистонни ривожлантириш, бир томондан, ММни янада оммалаштириш, мутахассис ва кадрларнинг хорижий тилларда мулоқот қилиш компетенциясини шакллантириш орқали мулоқот имкониятларини кенгайтиришни тақозо этса, бошқа томондан, миллий ўзлигимизни сақлаб қолиш, ўзбекона қадриятлар, она тили ва миллий руҳиятни ёт ғоялар, ўзга менталитет устунлиги таъсиридан ҳимоя қилиш муаммосини кўндаланг қилиб қўймоқда.

15. Интернет мулоқотида янги пайдо бўлган **сўзлашув услубининг ёзма шакли** муқаррар равишда оғзаки нутқ билан боғлиқ бўлиб, фонетик, морфологик ва синтактик бирликларда адабий тил меъёрларидан чекиниш, қисқартмалар, ноадабий қатламга хос сўз бойлиги, шунингдек, тармоқнинг махсус график дизайни кабилар виртуал мулоқотнинг янги йўналишини акс эттиради.
16. Интернет тизими ва унинг таркибида *блогосфера* ҳамда *ижтимоий тармоқ*ларнинг пайдо бўлиши **оммавий ахборот воситалари** ва **оммавий мулоқот** тушунчаларининг алоҳида феноменлар сифатида икки тармоққа ажралиб чиқишига олиб келди.
17. Интернет мулоқоти жанрлари тизимини қуйидагича ифодалаш ўринли деб ҳисоблаймиз: **коммуникатив макон → формат → жанр** (масалан, «Фейсбук» → чат→ хабарнома). Электрон хат, хабарнома (СМС), блог (пост, статус, твит), шарҳ (коммент), ташриф нутқи, веб-баннер, веб-эълон каби Интернет мулоқоти жанрлари ўзбек тилшунослигида илк марта тадқиқ қилинди, уларнинг мулоқот тизимидаги ўрни ва аҳамияти, ўзига хос жиҳатлари ўрганилди.
18. Медиалингвистиканинг етакчи объекти бўлган медиаматн - бу лингвистик ва медиа хусусиятларининг диалектик бирлиги бўлиб, тил бирликлари, график тасвир, аудио ва видеотасвир каби семиотик белгилар уйғунлигида яратиладиган мулоқот материали ҳисобланади ва у медиадискурсда актуаллашади.
19. Медиаматн элементлари информатив-эмоционал восита сифатида узатилаётган ахборот мазмунини тўлдиришга, таъсир кучини максимал даражада оширишга хизмат қилади, ва ҳатто, ахборотнинг ***прагматик туси***ни ўзгартириб юбора олади.

ONE-OFF SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING SCIENTIFIC DEGREE OF THE DOCTOR OF SCIENCE (DSc) UNDER SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING SCIENTIFIC DEGREES PhD.03.30.2019.Fil.60.02 AT ANDIZHAN STATE UNIVERSITY

ANDIZHAN STATE UNIVERSITY

RUSTAMOV DILSHODBEK ABDUVAKHIDOVICH

INTRALINGUISTIC AND EXTRALINGUISTIC INTERPRETATIONS AND MODERN CONCEPTS OF COMMUNICATION

10.00.11 –The language theory. Applied and computer linguistics

DISSERTATION ABSTRACT FOR DOCTOR OF SCIENCES (DSc)

Andizhan - 2021

The theme of DSc dissertation is registered by Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministry of the Republic of Uzbekistan under the number № B2021.1.DSc/Fil304.

The dissertation has been prepared at Andizhan State University.

The abstract of the DSc dissertation is posted in three (Uzbek, English, Russian (Resume)) languages on the website of Andizhan State University (www.fdu.uz) and on the website «ZiyoNET» Information-educational portal (www.ziyonet.uz).

Scientific consultant:	Umarkhodjayev Mulhtarkhon Ishankhodjayevich Doctor of Philological sciences, Professor
Official opponents:	**Mirzohidova Miyassar Inamjanovna** Doctor of Philological sciences, professor
	Sadullaeva Nilufar Azimovna Doctor of Philological sciences, assoc. prof.
	Hamroyeva Shakhlo Mirdjanovna Doctor of Philological sciences, assoc. prof.
Leading organization:	**Fergana State University**

Defense of the Dissertation will take place on «__» «_____» 2021, at «_____» p.m. at a meeting of Scientific Council PhD.03.30.20179.Fil.60.02 under Andizhan State University (Address: 5, Babur avenue, Andizhan, 170100. Tel: (99874) 223-88-14; fax: (99874) 223-88-30; e-mail: agsu_adu@edu.uz.

Dissertation could be reviewed information-resource center of Andizhan State University (registration number __). Address: 5, Babur avenue, Andizhan, 170100. Tel: (99874) 223-88-14; fax: (99874) 223-88-30.

Dissertation abstract sent out on «____» _____ 2021.
(Mailing report number ____ on «____» _____ 2021).

N.M.Uluqov
Chairman of Scientific Council
Awarding scientific degree,
Doctor of Philological sciences, Professor

F.Usmanov
Secretary of Scientific Council
Awarding scientific degree,
PhD in Philological sciences

D.Khoshimova
Chairman of Scientific Seminar at the
Scientific Council awarding scientific degree,
Doctor of Philological sciences

INTRODUCTION (DSc thesis annotation)

Topicality and necessity of the dissertation topic. There being a growing interest in the features of speech activity in world linguistics, which started in the 50-60`s of the XX century, practical need for areas formed at the intersection of philosophy, logics, psychology, sociolinguistics, and cognitivistics is increasing. The content of linguistic expression in modern communication, communicative intent and listener's perception, the complexity of psychophysiological mechanisms of communication for the purpose of interaction create the need for modern scientific methods and approaches in the theory of speech acts. After all, the theory of communication is constantly updated and improved under the influence of changes in the cultural and social landscape in society as a whole.

Research at the modern stage of development of world linguistics began to require not only the study of ontological features of communication, but also the study of its direct application - the problem of man and society - linguoculturological, psycholinguistic, pragmalinguistic, sociolinguistic basis. It is essential to study on the basis of modern scientific-theoretical views and methods that the process of communication serves as a basis for the development of society as a whole complex system. It is necessary for the practical effectiveness of modern linguistics to describe the dialogue in the integrity of linguistic and pragmatic factors based on modern methodological principles and to draw clear theoretical conclusions specific to the linguistic nature of their constituent units.

In our country as well, in recent years, linguistics has risen to a new level with the expansion and complication of its object of study. In the process of rapid development of digital technologies, in particular, the Internet, a number of tasks, such as "... maintaining the purity of the state language, enriching it and improving the speech culture of the population, ensuring the active integration of the state language into modern information technologies and communications, the development of foreign cooperation in the field of communication"[37], require a serious approach to the communication system and the language problem in it, the scientific study of the realization of language opportunities.

To a certain extent, this dissertation work will serve to implement the tasks set out in the PF-4997 of the President of the Republic of Uzbekistan dated May 13, 2016 "On the establishment of the Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi", PF-4947 dated February 7, 2017 "On the Action Strategy for further development of the Republic of Uzbekistan", 2019 Decrees PF-5850 of October 21, 2020 "On measures to radically increase the prestige and status of the Uzbek language as the state language", PF-6084 of October 20, 2020 "On measures to further develop the Uzbek language and improve language policy in our country" , No. PP-2789 of February 17, 2017 "On measures to further improve the activities, organization,

[37] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиѐевнинг 2020 йил 20 октябрдаги «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиѐсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6084-сон фармони // https://lex.uz/docs/5058351

management and financing of research activities of the Academy of Sciences", No. PP-4479 of October 4, 2019 "On the State Language of the Republic of Uzbekistan" On the broad celebration of the thirtieth anniversary of the adoption of the Law of the Republic of Uzbekistan "On January 24, 2020, the Address to the Oliy Majlis as well as the tasks set out in other regulations.

Correspondence of the research to the priorities of the development of science and technology of the republic. The dissertation has been completed in accordance with the priorities of the development of science and technology: I. "Formation of a system of innovative ideas and ways to implement them in the social, legal, economic, cultural, spiritual and educational development of an informed society and a democratic state".

Review of foreign research on the topic of the dissertation[38]**.** Scientific research aimed at studying the intralinguistic and extralinguistic factors of the communication phenomenon has led to a number of leading research centers and higher education institutions in the world, including the University of Geneve (Switzerland), Oxford University, The University of California, Berkeley, A.S. Pushkin Institute of Russian Language, Kiev National University of International Relations, University of New Mexico, University of Munich, Institute of Philosophy of the Russian Academy of Sciences (Russia), Wilfried Lore University (Canada), State University of Humanities (Russia), Tula State Pedagogical University, American Linguistic Society, Moscow State University named after M.V. Lomonosov, Russian Academy of Education, Leningrad State University, Columbia (New York) University, Surgut State University (Russia), Institute of Psychology of the Russian Academy of Sciences, St. Petersburg State University, Moscow Polytechnic University Department, and Saratov State University to conduct scientific research.

In world linguistics, research based on new views based on anthropocentric principles has been the basis for many scientific results: the social and psychological aspects of communication have been theoretically based (Universite de Geneve (Switzerland), Institute of Philosophy of the Russian Academy of Sciences (Russia), Wilfried Lore University (Canada), State University of Humanities (Russia), Tula State Pedagogical University, American Linguistic Society, psycholinguistic theories of communication psychology have been developed under the guidance of the famous psychologist A.N. Leontev (Department of Psychology, Moscow State University named after M.V. Lomonosov); the philosophical and theoretical foundations of communication have been studied (Russian Academy of Education, Leningrad State University, Columbia University of New York, Surgut State University (Russia), Institute of Psychology of the Russian Academy of Sciences); how the problem of communication arose in the history of culture and philosophy, its structure and functions have been analyzed (Leningrad State University); the revolutionary stages that took place in the gradual development of the concept of communication

[38] Шарҳда илмий манбалардан ва https:avalon-linguistic.com, https://medialing.ru, https:wikipedia.org/wiki, https:studfile.net/preview, https://studyport.ru, https://tjournal.ru, https://uz.blogpascher.com каби сайтлардан фойдаланилди.

have been identified (Moscow State University); communication is considered as a separate independent form of subject activity (St. Petersburg State University); formed a classification of communication (Department of Humanities, Moscow Polytechnic University); the discursive nature of communication has been described (Saratov State University); the basics of speech act theory has been developed (University of Oxford, UK, The University of California, Berkeley), A.S. Pushkin Institute of Russian Language, Kiev National University of International Relations).

New trends in the study of modern factors and principles of development of the phenomenon of communication in world linguistics are emerging. In 1989, the direction of “Intercultural Communication” was opened at the University of New Mexico in the United States and the University of Munich in Germany as part of a curriculum based on folklore, ethnology and linguistics. The International Scientific Journal "Medialinguistics" in Russia is co-operating not only with Russia, but also with influential representatives of the scientific community of Belarus, Bulgaria, China, Poland, Turkey, Ukraine.

The degree to which the problem has been studied. Communication is a complex multidimensional process of establishing and developing interpersonal relationships between people and groups. Human being lives in a society as a social being and therefore must communicate with the members of that society. Communication is a broad concept that covers issues such as its structure and functions, problems of interpersonal comprehension, the process of communication, speech-psychological impact, the dynamics of relationship development.

The scientific substantiation of the issue of cooperation and compatibility of linguistic and pragmatic factors in the phenomenon of communication, which is the basis of human social activity, is one of the most pressing issues that is waiting for solution in Uzbek linguistics. This is carried out by performing tasks such as the study of the systemic nature of communication, the definition of philosophical and logical foundations, the methodology that justifies the fact that synergetic communication as an anthropocentric social reality is constantly changing and evolving, defining the functions of intralinguistic and extralinguistic factors, revealing the principles of pragmatic factors, and in the verbal application of the meanings of the grammatical means that form the syntactic form is accomplished by performing tasks such as defining the interaction of linguistic and pragmatic factors, and substantiating their conformity. The theory of knowledge of philosophy, dialectical logic, synergetic methodology, as well as general system theory, linguistic and speech dichotomy, communication theory are based on these principles.

The phenomenon of communication has been studied from different angles by such scientists as Sh.Balli, E.Sepir, G.Apresyan, A.Leontev, D.Shirrin, F.Shuman, M.Kagan, R.Krauss, T.Rodermel, L.Bueva, V.Fefelova, B.Lomov,

